

А. С. Пушкин

МАРХУМ ИВАН ПЕТРОВИЧ БЕЛКИН ҚИССАЛАРИ

Простакова хоним.
Тақсирим, у ёшлигиданоқ тарихга жуда
дам қизиқар әди.

Скотинин
Митрофан менга тортди.
«Недоросль»

НОШИРДАН

Биз, И. П. Белкиннинг китобларга ҳозир тақдим этилаётган қиссаларини нашр қилишга киришар эканмиз, бунга марҳум муаллифнинг ҳеч бўлмаса қисқагина таржимаи ҳолини илова этмоқчи ва шу билан ватан адабиёти ҳаваскорларининг ҳаққоний талабларига қисман жавоб бермоқчи бўлдик. Шу муносабат билан биз Иван Петрович Белкиннинг энг яқин қариндоши ҳамда вориаси Марья Алексеевна Трафилинага мурожаат қилдик: бироқ, баҳтга қарши, Трафилина бизга Белкин ҳақида ҳеч қандай маълумот бериш имкониятига эга эмас экан, чунки марҳум унга бутунлай нотаниш экан. Трафилина бу масала юзасидан бизга бир мўътабар кишига, Иван Петровичнинг содиқ дўстига мурожаат қилишимизни маслаҳат берди. Биз бу маслаҳатга амал қилдик ва юборган жатимизга қўйидаги кўнгилдагидек жавобни олдик. Биз бу жавобни олижаноб фикрлар ва самимий дўстликнинг қимматли ёдгори, шу билан бирга, мукаммал биографик маълумот сифатида, ҳеч қандай ўзгариш ва изоҳ киритмай чоп қиласиз.

Мұхтарам афаидим***!

Шу ойнинг ўн бешида ёзган мўътабар мактубингизни шу ойнинг йигирма учида олиш шарафига мұяссар бўлдим, сиз ўзингизнинг ўша мактубингизда менинг собиқ самимий дўстим, қўргоним ёнидаги қўшним Иван Петрович Белкиннинг туғилган ва вафот этган вақти, машғулоти, уй аҳволи ва феъли-автори ҳақи-

да муфассал маълумот олишни орзу этибсиз. Муҳтарам афандим, мен сизнинг бу орзийингизни жону дилим билан адо этаман ва ушбу хатим орқали сизга унинг гапларидан, шунингдек ўзимнинг шахсан кузатишимидан хотиримда қолган барча маълумотларни юбораман.

Иван Петрович Белкин 1798 йилда Горюхино қишлоғида вижонли ва олижаноб оилада туғилди. Унинг марҳум отаси, секундмайор Петр Иванович Белкин Трафилинлар хонадонининг қизи Пелагея Гавриловнага уйланган эди. У бой эмас, ўрта ҳол бўлиб, тоят даражада хўжалик ишларининг кўзини биладиган одам эди. У кишининг ўғли бошланғич маълумотни қишлоқ дъячогидан олди. У ўзининг мутолаага, рус адабиётига бўлган ҳаваси учун, ҳар қалай, ўша мўътабар кишидан миннатдор бўлса керак. 1815 йилда у Егер пиёда полкига хизматга кирди (лекин қайси куни эканлиги хотиримда йўқ) ва ўша полкда то 1823 йилгача хизмат қилди. Ота-онасиning вағфоти деярли бир вақтга тўғри келиши ва уни истеъфога чиқиб, Горюхино қишлоғига, ўзининг туғилиб ўсган жойига қайтишга мажбур қилди.

Иван Петрович ўз мулкини идора қилишга киришиб, ўзининг тажрибасизлиги ва юмшоқ кўнгиллиги орқасида отаси ўрнатган қатъий интизомни бўшаштириб юборди ва тез орада хўжаликни ёмон аҳволга тушириб қўйди. У ишга чечан, эпчил оқсоқолни гўндан бўшатиб (дехқонлар, одатлари бўйича, ундан норози эдилар), унинг ўрнига қишлоқни бошқариши—эртакларни боллаб азтиши билан ишончга сазовор бўлган калитдор кампирга топширди. Бу тентак кампир йигирма беш сўмликдан эллик сўмликни бир умр фарқ қила олмасди; у ҳамма дехқонларнинг боласини чўқинтирган бўлиб, дехқонлар ундан умуман ҳайиқмас эдилар; дехқонлар томонидан сайланган бу гумашта уларнинг ёнини олиш билан бир қаторда, шундай фирибгарликларга ҳам йўл қўйдик, ниҳоят Иван Петрович барщинани бекор этиб, жуда мўътадил оброк белгилашга мажбур бўлди; бироқ шундан кейин ҳам дехқонлар унинг бўшлигидан фойдаланиб, биринчи йили енгиллик берилишини сўрашди, кейинги йилларда эса оброкнинг учдан икки қисмидан ортиқроғини ёнгоқ, бруслника ва шунга ўхшашлар билан тўлашди; аммо шундай бўлса ҳам ўзлари учун боқимонда қолдиришди.

Иван Петровичнинг марҳум отасига дўст бўлганим учун, ўғлига ҳам маслаҳат беришни ўз бурчим деб билдим ва бир неча маротаба унга қўлдан бой берилган аввалги тартибни ўрнатишга ёрдамлашмоқчи бўлдим. Шунинг учун бир кун унинг қўргонига бориб, хўжалик дафтарини талаб қилдим, фирибгар гумаштани чақиририб, Иван Петровичнинг ҳузурида хўжалик дафтарини синчиклаб текшира бошладим. Даствлаб ёш хўжайин зўр иштиёқла қунт билан менга қулоқ солди; бироқ ҳисобларга қараганда, кейинги икки йил ичida дехқонлар кўпайиб, парранда ва уй ҳайвонлари камайиб кетганини кўрган Иван Петрович, шу дастлабки маълумотлар билан кифояланиб, кейин гапимга

қулоқ солмай қўйди ва зўр бериб текширишим ҳамда қаттиқ сўроқ қилишим натижасида фирибгар оқсоқолни гангитиб қўйинб, нафасини ичига тушириб юборган бир вақтимда, Иван Петровичнинг ўтирган стулида хуррак отаётганини эшишиб, жуда таъбим тириқ бўлиб кетди. Шундан кейин унинг хўжалик ишларига аралashiшини бутунлай йигиштириб қўйдим ва унинг хўжалик ишларини (ўзига ўхшаб) худонинг ихтиёрига топширдим.

Аммо бу нарса бизнинг дўстона муносабатимизга ҳеч қандай путур етказмади: чунки мен Иван Петровичнинг барча ёш дворянларимизга хос бўлган бу бўшанглигига ва ўлгудай ношудлигига афсуслансан ҳам, уни чин кўнглимдан яхши кўрардим; ахир шу қадар беозор ҳамда виждонли йигитни севмасдан бўлмас ҳам эди. Иван Петрович ҳам ўз навбатида менинг кексалигимни ҳурмат қиласар ва менга ихлоси зўр эди. Гарчи бизнинг одатимиз, фикримиз ва феъл-авторимиз бир-биримизникуга кўп жиҳатдан ўхшамаслигига қарамай, у то умрининг охиригача менинг самимий сұҳбатларимни тақдирлаб, деярли ҳар куни мен билан кўришиб турарди.

Иван Петрович жуда мўътадил ҳаёт кечирар ва ҳар қандай истрофгарчиликдан четда эди. Мен унинг маст бўлганини ҳеч қачон кўрмаганман (бу ҳол эса бизнинг томонларда эшитилмаган мўъжиза ҳисобланиши мумкин); унинг хотин-қизларга иштиёқи жуда баланд бўлиб, лекин ўзи қиздек уятчан йигит эди¹.

Мактубингизда кўрсатилган қиссалардан ташқари, Иван Петрович талайгина қўлёзмалар ҳам қолдирган; бу қўлёзмаларнинг бир қисми менда сақланади, бир қисмини эса Иван Петровичнинг калитдори турли рўзгор ишларига исплатиб юборган. Шундай қилиб, ўтган йили қишида калитдор хотин турадиган хоналарнинг ҳамма деразаларига Иван Петрович ёзib тугатмаган романнинг биринчи қисми ёпиширилган эди. Юқорида номи зикр этилган қиссалар унинг дастлабки тажрибаси бўлса керак. Иван Петровичнинг айтишича, ўша асарларнинг кўпчилиги рост бўлиб, улар турли мансабдаги кишилардан эшитилган. Бироқ асарлардаги исмларнинг деярли ҳаммасини Иван Петровичнинг ўзи қўйган. Қишлоқларнинг номи эса, атрофимиздаги жойларнинг номи бўлиб, шунинг учун ҳам қиссаларнинг аллақайси бир ерида менинг қишлоғим ҳам тилга олинган. Булар қандайдир ёмон ният билан эмас, балки фақат тасаввур доирасининг торлигидан келиб чиққандир.

Иван Петрович 1828 йилнинг кузида безгак билан оғриди, бу касал иситмага айланиб кетди, хусусан энг оғир касалликлар, жумладан қадоқ ва шунга ўхшашларни даволашга моҳир уезд табибимизнинг зўр ғайрат кўрсатишига қарамай, у вафот этди. Иван Петрович ўттиз ўшда менинг қўйлимда жон берди ва Горю-

¹ Шу ўринда бир латифани эслаб ўтишга тўғри келади, лекин биз уни ортиқча ҳисоблаб, бу ерга киргизмадик: аммо китобхонни ишонтириб айтамизки, унда Иван Петрович Белкиннинг хотирасига дод туширадиган ҳеч гап йўқ. (*Пушкиннинг изоҳи*.)

хино қишлоғининг черковига — марҳум ота-оналарининг ёнига дағы этилди.

Иван Петрович ўрта бўйли, кўккўз, малла соч, қиррабурун, оппоқ, котмароқдан келган киши эди.

Мана, муҳтарам афандим, менинг марҳум қўшним ва дўстим-нинг ҳаёти, машгулоти, феъл-автори ҳамда қиёфасидан эслай олганларим мана шу. Борди-ю, мактубимдан бирор нарса учун фойдаланмоқчи бўлсангиз, номимиз сира-сира тилга олмаслиги-нгизни ўтиниб сўрайман; зотан, ўзим ёзувчиларни жуда ҳурмат қилисан ва севсам ҳам, лекин ёзувчилик ишига киришишин ортиқча ва менинг ёшимдаги кишига келишмаган бир иш деб ҳисоблайман. Сизга самимий эҳтиром ва ҳоказолар билан:

1830 йил, 16 ноябрь.

Ненарадово қишлоғи.

Муаллифнинг ҳурматли дўстининг истагини назарга олиб, бизга юборган маълумоти учун чуқур миннатдорчилик билдирамиз, ҳамда китсбхонлар унинг самимилиги ва олижаноблигини тақдирлайдилар, деб ишонамиз.

A. P.

У Қ

Биз отишдик.

Баратинский¹

Мен уни дуэль қоидаси бўйича отиб ташлашга қасамёд этдим (ўқ узиш навбати менда қолди).

«Лашкаргоҳдаги кечадан»²

Биз *** манзилида турган эдик. Армия офицерининг ҳаёти маълум. Эрталаб таълим, манеж³. Полк командири *** никида ёки яхудий қовоқхонасида тушлик, кечқурун пунш ичиш ва картабозлик. *** да биронта ҳам ишрат уйи ва биронта қаллик йўқ эди: биз бир-биримизницида тўпланардик ва у ерда ўз мундирларимиздан бўлак ҳеч нарсани кўрмас эдик.

Бизнинг улфатчиликда ҳарбий бўлмаган фақат бир киши бор эди. Унинг ёши ўттиз бешларда бўлиб, биз уни катта деб ҳурмат қиласардик. У ўзининг кўп иш кўрганлиги билан биздан анча устун турарди; бунинг устига унинг доим маъюслиги, қайсар табиати ва аччиқ тили биз ёшларнинг онгимизда кучли таъсир қол-

¹ Е. А. Баратинский — Пушкин замонасиининг атоқли шоири.

² Пушкин замонасиининг машҳур адаби — декабрист А. А. Бестужев-Марлинский асари.

³ Манеж — от ўргатиладиган ёки чавандозлар ва отлиқ аскарлар машҳулладиган атрофи ўралган жой ёки бино.

диради. Унинг ҳаёти ғалати бир тарзда эди; ўзи русга ўхшар, лекин ажнабий исмда эди. Бир вақтлар у гусарлик қилиб, яхшигина кун кечирган; унинг истеъфога чиқиши ва бу пасқам қишлоққа кўчиб келиб, ҳам фақирлиқда, ҳам истрофгарчиликда куни кечириши сабабларини ҳеч ким билмас эди: у эгнига эски қора сюртк кийиб, доимо яёв юрарди, аммо полкимиздаги ҳамма офицерлар учун дастурхони ёзиқ эди. Тўғри, таомлари икки ёки уч хил бўлиб, буни истеъфодаги бир солдат пиширап, аммо шампанскийси ариқ бўлиб оқарди. Унинг бойлигини ҳам, даромадини ҳам ҳеч ким билмас ва бу ҳақда сўрашга ҳам ҳеч ким журъат этолмас эди. Унинг кўпроқ ҳарбий ишга доир китоблари ҳамда романлари бўларди. У бу китобларини жон деб ўқигани берар ва ҳеч қачон сўраб олмасди; шунингдек бирордан олган китобини ҳам ҳеч қачон эгасига қайтиб бермасди. Унинг муҳим машгулоти тўппонча отишдан иборат эди, уйининг деворлари илма-тешик бўлиб кетганлигидан худди асаларининг уясига ўхшарди. У турадиган кулбаннинг ягона безаги жуда кўп хилма-хил тўппончалар эди. Отиш ишида у ниҳоятда ажойиб санъатга эришган эди. Агар кишининг бошига нок қўйиб, ўқ билан уриб учирив юбормоқчи бўлса, полкимизда ҳеч ким иккиланмасдан бошини тутарди. Биз кўпинча дуэль тўғрисида сўзлашардик; Сильвио (мен уни шундай деб атайман) ҳеч қачон гапга аралашмас эди. Дуэлга чиққанмисиз, деб сўрасак, у қуруққина, чиққанман дер, аммо муфассал айтиб бермасди. Афтидан, бундай сўроқлар унга ёқмаслиги кўриниб турарди. Биз, бу одам ўзининг даҳшатли санъати билан бирорнинг бошини еган бўлса керак, деб гумон қиласардик. Шу билан бир қаторда, унда қўрқоқлиқдан асар бор деб хаёлимизга ҳам келмас эди. Шундай кишилар борки, ёлғиз ташки кўринишининг ўзи бундай шубҳаларга йўл қўймайди. Тасодифий бир ҳодиса ҳаммамизни ҳайрон қолдири.

Бир куни бизнинг офицерлардан ўн киши Сильвионикида тушлик қиласарди. Ичиш одатдагича бўлди, яъни жуда кўп ичилди, тушликтан сўнг биз уй эгасининг банк тутишини сўрадик. У анчагача унамади, чунки у картани жуда кам ўйнарди; ниҳоят ўртага эллик сўм қўйди ва ўтириб карта суза бошлади. Биз уни ўраб олдик, ўйин қизиб кетди. Ўйин чоғида жим ўтириш Сильвионинг одати эди, у ҳеч вақт сўз талашмас ва изоҳ бериб ўтирасди. Агар гардкамчи нотўғри санаб қўйса, у дарров камини тўлар ёки ортигини ёзиб қўяр эди. Биз буни билардик ва шунинг учун ҳам унинг ўйинни ўз билганича бошқаришига халал бермасдик. Аммо орамизда, яқинда бизга ўтказилган бир офицер бор эди. У ўйин устида, паришонхотирлигидан нотўғри ҳисоб қилиб қўйди. Сильвио бўрни олиб ўз одатича ҳисобни тўғрилаб ёзиб қўйди. Офицер уни янглишган деб ўйлаб изоҳлай кетди. Сильвио индамай карта сузаверди. Офицер бетоқат бўлиб, чўткани олди-да, назарида нотўғри кўринган рақамларни ўчириб ташлади. Сильвио бўрни олиб, яна ёзиб қўйди. Вино, ўйин ва ўртоқ-

ларининг кулишидан қизишиб кетган офицер, ўзини қаттиқ таҳ-
қирланган деб санади ва аччиғидан столдаги мис шамдонни олиб
Сильвиога отди, у зўрга чап бериб қолди. Биз довдираб қолдик.
Сильвио ўрнидан туриб, ғазабидан кўзлари чақнаган ҳолда:

— Мұхтарам жаноб, марҳамат қилиб чиқиб кетинг ва бу
ҳодиса менинг уйимда бўлгани учун худога шукур қилинг,—
деди.

Биз бунинг оқибати ёмон бўлишига шубҳа қилмасдик ва янги
ўртоғимизни ўлди деб ҳисобладик. Офицер, банкчи афандининг
таҳқирлангани учун истаган чоқда жавоб беришига тайёрман,
деди-да, чиқиб кетди. Ўйин яна бир неча минут давом этди; ле-
кин уй эгасицинг ноилож ўйнаётганини сезиб, биз бирин-кетин
турдик ва тез орада у сфицернинг иш ўрни бўш қолишини сўз-
лашиб, уй-уйимизга тарқалишдик.

Эртасига биз манежда, бечора поручик тирикмикин, деб
турган эдики, унинг ўзи келиб қолди; биз бу савонни унинг ўзи-
га бердик. У ҳали Сильвио тўғрисида ҳеч қандай хабар билганим
йўқ, деб жавоб берди. Бу ҳол бизни таажжубга солди. Биз Силь-
вионикига бордик, уни ҳовлида, дарвозага ёпиштирилган карта-
винг тузига ўқ устидан ўқ узаётганини кўрдик. У бизни одатда-
гича қабул қилди, кечаги ҳодиса тўғрисида бир сўз ҳам демади.
Уч кун ўтди, поручик ҳамон тирик эди. Биз ажабланиб: «Наҳот-
ки Сильвио дуэлга чиқмади. У оддийгина изоҳ билан қаноатланди
ва ярашиб кетди.

Бу эса Сильвиога нисбатан ёшларда ёмон фикр тутғидирди.
Одатда одамгарчилликнинг энг юқори фазилати ботирлиқда ви-
турли нуқсонларни кечиришда деб билган ёшлар жасорат кўр-
сатмасликни ҳеч бир кечирмайдилар. Шундай бўлса-да, бора-
бора ҳаммаси унутилиб кетди ва Сильвионинг аввалги обрўси
ўрнига келди.

Энди унга ёлғиз яқинлаша олмасдим. Табиатан романтик та-
саввурга эга бўлганимдан, ҳаёти мажҳул туюлган ва қандайдир
сирил бир қиссанинг қаҳрамони бўлиб кўринган бу одамга авва-
ло, ҳаммадан кўра менда ихлос кучли эди. У мени севарди ва мен
билан суҳбатда одатдаги чўрткесарлигини бир ёққа қўйиб, ту-
ли нарсалар тўғрисида дилкаш гаплашарди. Аммо ўша кечадаги
кўнгилсиз воқеадан сўнг унинг обрўси тўкилди ва ўз айби билан
обрўсини яна кўтартмади, деган бир фикр менинг бошимдан ке-
масди ва у билан илгаригидай муомалада бўлишимга халал би-
ради: юзига қарагани уялардим. Сильвио жуда ақлли ва таж-
рибали бўлганидан менинг кайғиятимни ва бунинг сабабини
пайқар эди. Бу ҳол уни ранжитар эди; мен билан шу тўғрида
сўзлашмоқчи бўлганини бир-икки марта сезиб қолдим; аммо
мен бундай пайтда чап бердим; Сильвио ҳам мендан ўзини торг-
ди. Шундан кейин у билан ўртоқларим орасида кўришадиган
бўлдим ва ўзаро очиқ суҳбатларимиз тўхтади.

Пойтахтнинг паришонхотир аҳолиси қишлоқ ёки шаҳарча-

ларнинг аҳолиларига яхши маълум бўлган кўп таассуротдан, масалэн, почта келадиган кунни кутишдан хабарсиздир: сешанба ва жума кунлари бизнинг полкимиз идораси офицерлар билан тўларди: бирор пул, бирор хат, бирор газета кутарди. Одатда пакетлар шу ернинг ўзида очилиб, янгиликлар айтилар, идора бундай вақтда жуда гавжум ва ғовур-ғувур бўларди. Сильвиога ҳам хат бизнинг полкка келарди.

Шунинг учун у ҳам одатда шу ерда бўларди. Кунлардан бир кун унга бир пакет бердилар. У ғоят сабрсизлик билан хатни очди. Хатга қааркан, кўзлари чарақлаб кетди. Ҳар қайсиси ўз хатига тикилган офицерлар ҳеч нимани пайқамадилар. «Жаноблар,— деди Сильвио,— менинг дарҳол кетишм керак бўлиб қолди; бугун кечаси жўнайман. Умид қиласманки, сизлар менинг уйимда сўнгги марта меҳмон бўлишни рад этмассизлар. Мен сизни ҳам кутаман,— деб давом этди у менга қараб,— албатта келинг». Шундай деб у шошилиб чиқиб кетди: биз Сильвионикда тўпламоқчи бўлиб тарқалдик.

Мен тайинланган вақтда Сильвионикига келсам, бутуп полк офицерларининг деярли ҳаммаси шу ерда экан. Унинг борлиқ нарсалари тугулган бўлиб, фақат илма-тешик бўлиб кетган шипшийдам деворларгина қолган эди. Биз стол атрофига ўтиридик; уй эгасининг кайфияти жуда жойида эди, кўп ўтмасдан унинг курсандлиги ҳаммамизга таъсир этди, пайдар-пай шишалар пакиллаб очилар, қадаҳлар кўпикланар ва типмай вишиллаб турарди, биз эса кетувчига зўр бериб оқ йўл ва саодат тилардик. Кечаси алламаҳалда стол атрофидан турдик. Фуражкаларни слайтганимизда, Сильвио ҳамма билан жайрлашди, чиқиб кетаётганимда қўлимдан ушлаб тўхтатди ва:

— Сиз билан сўзлашмоқчиман,— деди секингина.

Мен қолдим.

Меҳмонлар кетиши; иккимиз қолдик ва бир-биримизга қарама-қарши ҳолда, индамасдан трубка тортиб ўтиридик. Сильвио ташвишли кўринар, унинг жушчақчақлигидан асар ҳам қолмаган эди. Узи маъюс, ранги оппоқ оқарган, кўзлари чарақлар, бу ҳолат оғзидан чиқаётган қуюқ тутун билан қўшилиб, уни шайғонга ўхшатиб юборган эди. Бир неча минут ўтгач, Сильвио қиммикни бузиб:

— Балки биз бундан сўнг ҳеч қачон кўришмасмиз,— деди,— жудолик олдидан мен сиз билан гаплашмоқчиман. Бошқаларнинг фикрига унча эътибор қилмаслигимни балки сезгандирсиз; аммо сизни севаман, шунинг учун кўнглингизда нотўғри фикр қолдириши менга оғир.

У тўхтади ва тутаб бўлган трубкасига тамаки тўлдира бошлади; мен ерга қараб, жим ўтиравердим.

— Ўша бадмост телба Р... дан қасос олмаганим,— деб давом этди у,— сизга ғалати туюлгандир. Сиз ишонингки, қурол танлаш ҳуқуқи менда бўлганидан, унинг ҳасти менинг қўлимда бў-

либ, менинг ҳаётим эса деярли хавфсиз эди; ўзимни тийишимни фақат олижаноблигимдан деб айтишим мумкин эди, лекин ёлғон галиришни истамайман. Агар мен ўз ҳаётимни бутунлай таҳликада қолдирмай Р... ни жазолаёлсам эди, у ҳолда мен уни ҳеч қачон кечирмас эдим.

Мен ҳайрон бўлиб Сильвиога қарадим. Унинг бу гапи мени хижолатда қолдирди. Сильвио сўзини давом эттири:

— Худди шундай: мен ўзимни ўлимга маҳкум этишга ҳақим йўқ. Олти йил аввал мен бирордан тарсаки еганман, ўша душманим ҳали тирик.

Мен жуда қизиқсиниб қолдим.

— Сиз у билан дуэлга чиқмадингизми? Шароит сизни ажратиб юборган бўлса керак? — дедим.

— Мен у билан дуэлга чиқдим,— деб жавоб берди Сильвио,— мана ўшандан қолган хотира.

Сильвио ўрнидан турди ва заррин попукли (французлар воин de police¹ дейдиган) қизил шапкани олиб, бошига кийди. Ўқ унинг пешонасчидан бир энли юқоридан тешиб ўтган эди.

— Менинг *** гусар полкида хизмат қилганимни биласиз,— деб давом этди Сильвио.— Менинг феълим сизга маълум: ҳаммавақт устун бўлишга одатланганман, бу ёшлигимдан қолган бир дард. Бизнинг замонамида жанжалкашлик мода эди: мен армияда биринчи жанжалкаш эдим. Биз ичагонлик билан мақтапардик, мен ичишда Денис Давидов² мадҳ этган машҳур Бурцовни ҳам қочирадим. Бизнинг полкда деярли ҳар минутда дуэль бўлиб турар ва мен ҳаммасида ё гувоҳ, ёки иштирокчи бўлардим. Ўртоқларим мени ҳурмат қилишар, тез-тез ўзгариб турувчи полк командирлари эса, менга зўр бир бало деб қарапдилар.

Мен хотиржам (ёки безовта) шуҳратимдан завқланардим. Шу вақтда, бизнинг полкка бадавлат ва асилзода оиласага мансуб бир йигит (отини айтмайман) келди. Умримда бундай ажойиб баҳтиёр кишини кўрмаган эдим! Ёш, ақлли, келишган, энг хуш чақчақ, жасорат кўрсатишда энг бепарво, донгдор, ўзи саноғини билмайдиган ва ҳеч қачон тугамайдиган пулдор одамни кўз олдингизга келтиринг ҳамда унинг бизда қандай таъсир қолдиришини тасаввур этинг. Менинг устунлигимга рахна етди. У менинг довруғимни эшитиб, дўст бўлиш ўйлани излади; бироқ мен уни совуқ қарши олдим, у эса ҳеч бир таассуф билдиримай мендан узоқлашди. Мен уни жуда ёмон кўриб қолдим. Унинг полкдаги ва хотин-қизлар орасидаги шуҳрати мени қаттиқ газблантиради. Мен у билан жанжаллашгани баҳона ахтара бошладим; эпиграммаларимга у ҳам эпиграмма билан жавоб

¹ Полиция қалпоги (офицерлар кийиши учун маҳсус тайёрланган бўлади).

² Денис Давидов — шоир ва 1812 йилги Ватан урушининг партизани,

берарди, унинг шеърлари ҳаммавақт қутилмаган ва меникидан ўткир, албатта жуда қизиқ бўларди. У ҳазиллашарди, мен эса аччиғланардим. Ниҳоят, бир куни, поляк помешчигининг уйида бўлган балда мен унинг бутун хонимлар диққатини, айниқса, мен билан муносабатда бўлмиш уй бекасининг назар-диққатини жалб этганини кўриб, қулогига ярамас бир ғап айтдим. У тутоқиб кетди ва юзимга бир шапалоқ урди. Биз ўз қиличларимизга ташландик; хонимларнинг кайфлари учуб кетди; бизни ажратдилар; ўша кечанинг ўзидаёқ биз дуэлга чиқдик.

Тонг пайти эди. Мен уч секундантим¹ билан тайинланган жойда ниҳоятда қаттиқ бетоқат бўлиб рақибимни кутардим. Баҳор қуёши кўтарилиб, иссиқ қизита бошлаган эди. Мен уни узоқдан кўрдим. У мундир кийган ва қилич тақсан бўлиб, бир секундант билан бирга пиёда келар эди. Биз у келаётган томонга юрдик. У фуражкаси тўла гилосни қўлида тутган ҳолда яқинлашди. Секундантлар бизга ўн икки одим ўлчаб бердилар. Мен биринчи марта ўқ узиш имкониятим керак эди; лекин ғазабдан шу қадар ҳаяжонланган әдимки, тўғри нишонга олишимга ишонмасдим, ўзимни босиб олиш учун биринчи марта ўқ узиш ҳуқуқини унга бердим: душманим рози бўлмади. Чек ташлашга қарор бердик: биринчи сон унга, абадий баҳтиёр кишига чиқди. У нишонга олиб отди, ўқ фуражкамни тешиб ўтди. Навбат менга келди. Ниҳоят унинг ҳаёти менинг қўлимда эди; мен унга, юзларидан андақкина бўлса ҳам безовталик аломати қидириб, диққат билан қарадим... У тўппонча қаршисида туриб, фуражкасидаги пишган гилослаурни таълаб олиб еяр ва туфлаб чиқараётган гилос данаклари учуб келиб нақ менинг оёғим тагига тушар эди. Унинг бепарвонлиги ғазабимни ошириб юборди. Ўз ҳаётини ҳеч бир қадрламаган кишини ўлдиришдан менга нима фойда, деб ўйладим. Бошимга ёвуз бир фикр келди. Тўппончани туширдим.

— Сиз, афтидан, энди ўлиш ниятида әмассиз,— дедим мен унга,— марҳамат қилиб, нонуштангизни қилинг; сизга халал беришни истамайман...

— Сиз қитдак ҳам халал бермайсиз,— деб эътироуз билдириди у,— марҳамат қилиб ота беринг, тағин ўзингиз биласиз: отиш наубати сизники, мен ҳаммавақт сизнинг хизматингизга тайёрман.

Мен секундантларга ҳозирча ўқ узмаслигимни билдиридим ва шу билан дуэль тугади.

Мен истеъфога чиқиб шу жойга келдим. Ушандан бери ўч тўғрисида ўйламаган куним бўлмади. Энди мен куттган вақт келди...

Сильвио эрталаб келган хатни чўнтағидан олди ва менга ўқиши учун узатди. Кимдир (афтидан унинг гумаштаси бўлса керак) Москвадан хат ёзиб, машҳур зот тез орада ёш ва гўзал қизга уйланишини билдирган эди.

¹ Дуэлда вакил сифатида қатнашувчи.

— Сиз бу машхур зотнинг ким эканини пайғагандирсиз,— деди Сильвио менга.— Мен Москвага бораман. Хўш, қали кўрай-чи, тўйи олдида ҳам, бир вақтлар голос еб туриб ўлим кутгандай беларво турармикин!

Шундай деб, Сильвио ўрнидан турди, фурожкасини ерга бир уриб, худди қафасдаги йўлбарсдай уй ичидан уёқдан-буёққа юра бошлади. Мен қимир этмай туриб, унинг гапига қулоқ солдим. Бир-бирига зид ғалати ҳислар мени безовта қиласарди.

Хизматкор кириб, арава қўшилганини айтди. Сильвио қўлимини қаттиқ қисди ва биз ўпишиб хайрлашдик. У икки чамадон қўйилган аравага ўтириди, бирига тўппончалар, иккинчисига уннинг нарсалари солинган эди. Биз яна хайрлашдик. Шундан кейин отлар елиб кетди.

II

Бир неча йил ўтди, силавий шароит меҳи Н*** уездининг кўримсиз бир қишлоғига кўчишга мажбур этди. Хўжалик ишлари билан машгул бўлганимда ҳам, илгариги сертўполон ва беларволик билан ўтадиган ҳаётимни қўмсаб, секингина уҳ тортиб қўярдим. Менинг учун энг қийини куз ва қиши кечаларини танҳоликда ўтказиш эди. Туш вақтигача гумашта билан гаплашиб, иш билан уёқ-буёққа бориб, ёки хўжаликни айланиб бир амаллаб етиб олардим, аммо қоронги туша бошладими, тоқатим тоқ бўлиб, ўзимни қаерга қўйишиши билмай қолардим. Шкафларнинг остларидан ва омбордан топиб олган бир неча китобни ўқийвериб ёд қилиб юбордим. Омборчи хотин Криловна билган ҳамма эртакларни бир неча мартадан эшитдим: аёлларнинг қўшиқлари мени зериктирадиган бўлиб қолди. Унча ширин бўлмаган шаробдан ичишга тушган эдим, бошимни оғритди; тўғрисини айтганда, ғам чекиб ичагон бўлиб қолишдан, яъни уездимизда нусхаси кўп топиладиган бадмастлардан бири бўлиб қолишдан қўрқдим. Суҳбатининг кўпроғи ҳиқиқочоқ ва уҳ тортишдан иборат бўлган икки ё уч бадмастдан бошқа атрофимда яқин қўшни йўқ эди... Улар билан бирга бўлишдан кўра танҳолик афзал эди.

Мендан тўрт чақирим нарида, графиня Б*** га қарашли катта бир мулк бор эди; аммо унда фақат иш бошқарувчи яшарди, графиня эса ўзининг мулкига фақат бир марта, эрга теккан йили келган, ўшанда ҳам бир ойдан ортиқ турмаган эди. Лекин шунга қарамай, менинг танҳоликда ўтган ҳаётимнинг иккинчи баҳорида графиня эри билан ёёни ўз қишлоғида ўтказар эмиш, деган гап тарқалди. Дарҳақиқат, улар июнь ойининг бошида келишиди.

Бадавлат қўшинининг келиши қишлоқ аҳолиси учун муҳим бир даврдир. Помешчиклар ва уларнинг хизматкорлари бундай ҳодиса тўғрисида икки ой олдин ва уч йил кейин ҳам сўзлаб юрадилар. Менга келганда, гапнинг тўғриси, ёш ва чиройли хо-

нимнинг келиши түғрисидаги хабар менга қаттиқ таъсир этди; сабрим тугаб, кўришга шопшилдим, шунинг учун ҳам у келган ҳафта якшанба куни тушдан кейин, зоти олийларига яқин қўшини ва итоатли қул сифатида ўзимни танитмоқ учун *** қишлоғига йўл тутдим.

Малай менинг кабинетига бошлаб кирди, ўзи эса менинг келганимни билдириш учун кетди. Данғиллама хона турли-турмана безаклар билан имкони борича яхшилаб безатилганди; дөворлар ёнида китоб тўла шкафлар, ҳар қайсисининг устига бронза ҳайкал қўйилган эди. Мармар печь устида катта ойна туарар, полга яшил мовут қоқилган ва гиламлар солинган эди. Ўз фажир масканимда безак кўришдан холи бўлган ва кўпдан берин ўзгаларнинг давлатини кўрмаган мен, графни чўчиган ва узоқ вилоятдан арзга келиб, министрнинг чиқишини кутган кишидай, қандайдир ҳаяжон билан кутар эдим... Эшиклар очилиб, ўттиз икки ёшлардаги чиройли бир киши чиқди. Граф очиқ чехра ва хушмулозамат билан менга яқинлашиди: мен тетикланишга ҳаракат қилиб, ўзимни танитмоқчи бўлган ҳам эдимки, лекин у мендан олдин гап бошлаб қолди. Биз ўтиридик. Унинг эркин ва назокат билан гапириши менинг довдирашимни тез орада тарқатиб юборди; мен энди ўзимнинг одатдаги ҳолимга кира бошлигардан эдим, бирдан графиня кириб қолди, мен аввалидан баттар довдириб қолдим. У ҳақиқатан жуда гўзал эди. Граф унга менинг таништириди; мен уларга бетакаллуфроқ кўринишни истардим, аммо ўзимни қанча хотиржам тутишга уринганим сайин, шунча баттарроқ ноқуладай ҳис этардим. Улар менинг тутиб олишими ва янги танишликка кўникишим ҳамда яхши қўшнилар сифатида улар билан бемалолроқ гаплашишим учун имкон бериш мақсадида, ўзаро бир-бирлари билан сўзлаша бошладилар. Бу орада мен ўёқдан-буёққа юриб, китобларни ва суратларни кўрдим. Мен суратларга кўп ҳам тушунавермайман, аммо булардан биттаси дикқатимни жалб этди. Бу сурат Швейцариянинг бир манзарасини тасвир этарди; аммо менинг ундағи санъат әмас, суратнинг икки ўқ билан бир жойи тешилгани қизиқтиради. «Қандай яхши отилипти-я!» — дедим мен графга қараб. «Ҳа,— деб жавоб берди у,— жуда яхши отилган. Хўш, сиз яхши ота оласизми?» — деб давом этди у. «Тузуккина отаман,— дедим, гап ниҳоят менга яқин мавзуга кўчганига қувониб.— Агар ўзимга синамол тўппонча бўлса, ўттиз қадам наридаги картани ҳам ура оламан». «Ростдан-а?— деди графиня жуда эътибор бериб.— Сен-чи, азизим, ўттиз қадам наридан картани ура оласанми?» «Вақти келганда синаб кўрамиз,— деди граф,— бир вақтлар яхши отардим; лекин, мана, тўрт йилдирки, қўлимга тўппонча олганим йўқ». «О, ундоқ бўлса, гаров бойлашаманки, зоти олийлари, сиз ҳатто йигирма қадамдан ҳам картани уролмайсиз, чунки тўппончани кунда отиб туриш керак. Мен буни тажрибада кўрганман. Мен полкимиздаги энг яхши мергандардан бири ҳисобланардим. Бир куни тўппончамни тузатишга бериб, шундан

кейин роса бир ой қўлимга тўппонча олмай юришга тўғри келиб қолди. Хўш, шундан кейин нима бўлди денг, зоти олийлари? Кейин дастлаб қўлимга тўппонча олиб отганимда, йигирма беш қадам жойдаги шишани нишонга олиб, тўрт марта устустига хато қилдим. Бизда ҳазилкаш, асқиябоз бир ротмистр¹ бор эди; у менинг уролмаганимни кўриб: «Ука, кўриниб турибдики, шишага қўл кўтаролмайдиган бўлиб қолибсан»,—деб тегишиди. Йўқ, зоти олийлари, машқа бепарво қарашиб ярамайди, бўлмаса, албатта, унутилади. Менинг учратганим энг яхши бир мерган ҳар куни тушлик олдидан жуда бўлмагандан уч марта ўқ отишни машқ қиласди. Бу унга бир қадаҳ арақдай одат бўлиб қолган эди». Граф билан графиня менинг сўзга киришиб кетганимдан курсанд әдилар. «У қандай отарди?»— деб сўради граф. «Мана шундай, зоти олийлари, баъзан шундай бўлардикি, деворга пашша қўнганини кўриб қолса, сиз куляпсизми, графиня? Худо урсин, тўғри. Пащшани кўрса: Кузъка, тўппончамни олиб кел, деб айтарди. Кузъка ўқланган тўппончани келтиради, у эса отиб, пащшани деворга ёпишитирарди: «Таажжуб!— деди граф.— Хўш, унинг оти нима эди?» «Сильвио эди, зоти олийлари!» «Сильвио?— деб қичқирди ўтирган ўрнидан сакраб туриб граф.— Сиз Сильвиони танирмидингиз?» «Нега танимай, зоти олийлари; мен у билан дўст әдим. У бизнинг полкка худди ўзимизнинг оғайни-ўртоқдай қабул қилинган эди; мана беш йилдирки, ундан ҳеч хабар ўқ. Чамаси, зоти олийлари ҳам уни танир эканларда?» «Танирдим, яхши танирдим. У сизга айтганиди... Йўғ-э, айтмагандир: у сизга жуда ажаб бир ҳодисани гапириб бермаганиди?!» «Балда қандайдир бир дайди урган шапалоқни айтмоқчимисиз, зоти олийлари?» «У сизга ўша дайдининг отини айтмаганиди?» «Йўқ, зоти олийлари, айтмаганди.. Оҳ! Зоти олийлари!— деб давом этдим мен ҳақиқатни пайқаб қолиб.— Афв этинг... мен билмабман... ўша сиз эдингизим?..» «Уша мен,— деди граф кайфи жуда бузилган ҳолда,— бу отилган сурат эса, бизнинг сўнгги учрашувимиз хотирасидир...» «Оҳ, азизим,— деди графиня,— тангри ҳақи гапира кўрма; эшиитсан юрагимни ваҳима босади». «Йўқ,— эътироz билдирид график,— мен ҳаммасини айтиб бераман; мен унинг дўстини қандай хафа қилганимни-ку, билар экан, энди Сильвио ҳам мендан қандай ўч олганини, майли, билиб қўйисин». Граф креслони менга суриб берди. Мен ўтириб мароқ билан тубандаги ҳикояни эшигдим.

«Мен бундан беш йил аввал уйландим, биринчи *the honeypoop*² ойини ҳам шу ерда, шу қишлоқда ўтказдим. Ҳаётимнинг энг яхши дамлари ва энг оғир хотираларидан бири ҳам шу ерда ўтди.

Кунлардан бир кун биз иккимиз отда сайр қилиб юрадик; хотиним мингандан от негадир тисланиб, юрмай қўйди; у қўрқиб

¹ Ротмистр — кавалерияда эскадрон командири.

² Бол ойини (инглизча).

отнинг жиловини менга бериб, ўзи уйга пиёда кетди; мен олдинроқ келдим. Ҳовлида бир йўл аравасини кўрдим, менга хонамда номини билдиримай, аммо менда иши борлигини айтиб, бир одам кутиб ўтирганини билдирилар. Мен ўша хонага кирдим ва қоронгида тош пеъч олдида соқоллари ўсиб кетган бир одам турганини кўрдим; мен уни танишга ҳаракат қилиб яқинлашдим. «Сен, мени таний олмадингми, граф?» — деди титроқ товуш билан у. «Сильвио!» — деб қичқирдим мен ва эътироф этаманки, соchlарим бирдан тик бўлганини сездим. «Худди шундай! — деб давом этди у. — Ўқ узиш навбати менда қолган эди; мен тўппончамни бўшатгани келдим, тайёрмисан?» Унинг ён чўнтағидан тўппончаси кўриниб турарди. Мен ўн икки қадам ўлчаб, хотиним келиб қолмасдан тезроқ отишини илтимос этиб бурчакка бориб турдим. У пайсалга солди — чироқ сўради. Шам келтиридилар. Мен эшикларни беркитиб, ичкарига ҳеч кимни киритмасликни буюрдим ва яна отишини илтимос қилдим. У тўппончани олиб кўзлай бошлади. Мен секундларни санардим... Мен рафиқамни ўйлардим... У минут шунчалар даҳшатли ўтди! Сильвио қўлини туширди. «Тўппончамга ўқ ўрнига гилос данаги солинмаганига афсусланаман... — деди у, — ўқ оғир. Менга ҳамон бу дуэль әмас, қотиллик бўлиб кўриняпти: мен қуролсиз одамни нишонга олишга ўрганмаганман. Янгидан бошлайлик; чек ташлаймиз, кимга чиқса ўша биринчи отади». Бошим айланниб кетди... Мен рози бўлмадим шекилли... Ниҳоят, биз яна бир тўппончани ўқладик, чек ташладик. Чекни у бир вақт менинг ўқим тешган фуражкасига солди; менга яна биринчи сон чиқди. Сўнг у менга асло мен унутмайдиган бир истеҳзо билан: «Граф, сен жуда ҳам бахтлисан!» — деди. Мен ўзимнинг нима бўлганимни ва унинг мени бу ишга қандай қилиб мажбур этганини англай олмай қолдим... Лекин мен отдим, отган ўқим мана бу суратга тегди. (Граф бармоғи билан ўқ тешган суратни кўрсатди. Унинг юзи оловдай қизарди; графинянинг ранги кўйлагидан баттар оқариб кетди; мен таҳсин этишдан ўзимни тута олмадим.)»

«Мен отдим,— деб давом этди граф,— тангрига шукурки, ўқим хато кетди; шунда Сильвио... (шу онда у ҳақиқатан ҳам қўрқинчли эди) мени нишонга ола бошлади. Бирдан эшиклар очилди-да, Маша чопиб кирди ва чинқириб бўйнимга ўзини ташлади. Унинг келиши мени тетиклантириди. «Севгилим, биз ҳазиллашаётимиз-ку, кўрмаяксанми? — дедим мен унга.— Нега сен мунча қўрқиб кетдинг? Бор, бир стакан сув ичиб кел; мен сени ёски дўстим ва ўртоғим билан танишираман». Маша ҳамон ишонмасди. У, ҳайбатли Сильвиога қараб: «Айтинг, эrim тўғри сўзлаяптими? Икковингиз ростдан ҳазиллашяпсизми?» — деди. «У ҳамиша ҳазиллашади, графиня! — деб жавоб берди Сильвио.— Бир вақт ҳазиллашиб бир шапалоқ урган эди, кейин яна ҳазиллашиб мана бу фуражкамни отиб тешди, ҳозир ҳазиллашиб менга ўқ узди-ю, ўқи хато кетди, энди менинг ҳам ҳазил-

лашгим келиб қолди...» Шундай деб, унинг кўз ўнгида мени нишонга олмоқчи бўлди. Маша унинг оёғи остига ўзини ташлади. «Тур, Маша, уят!— деб қичқирдим мен газаб билан.— Сиз аса, жаноб, бечора хотинни таҳқирлашдан тўхттайсизми, йўқуми? Отасизми, йўқуми?»— дедим. «Отмайман,— деб жавоб берди Сильвио,— мен мамнунман. Чунки сенинг гангиганингни, қўрқ-қанингни кўрдим; мен сени ўзимга қараб отишга мажбур этдим. Шу билан қаноатландим. Мени эсингда тутасан. Сени ўз виждо-нингга топширдим»,— деди. У чиқиб кета туриб эшик олдида тўхтади ва менинг ўқим тешган суратга қаради. Кейин деярли кўзламасдан суратга қараб бир ўқ узди-да, чиқиб кетди. Хотиним ҳушидан кетиб ётарди; одамлар уни тўхтатишга журъат этолмасдан қўрқиб қаардилар; у эшикка чиқиб, кучерини ча-қирипти ва мен эс-ҳушимни йиғиб олгунимча жўнаб кетипти».

Граф жим бўлди. Шундай қилиб бир вақтлар бошланиши мени ҳайрон қолдирган қиссанинг сўнггини билиб олдим. У қаҳ-рамон билан мен кейин учраша олмадим. Ривоятларга кўра, Сильвио — Александр Ипсилантининг¹ қўзголони вақтида, этеристлар² тўдасига саркарда бўлган ва Скуляни³ ёнидаги урушда ҳалок бўлган эмиш.

Б У Р О Н

Отлар ўтар тепадан,
Қалин қорларни босиб.
Туар, ҳов ана әҳром
Елгиз қучогин очиб.

• • • • •
Бирдан қўзгалар бўрон,
Қор изиллаб кўчади;
Чаналарнинг устида
Қора қарга учади.
Фигони; бу — шум хабар!
Изгир чана отлари,
Зўрга йўлни кўрар,
Тикка бўлган ёллари.

Жуковский

1811 йилнинг охирларида, биз учун унунтилмас бир замонда, ўзининг Ненарадово деган мулкида хуштабиат Гаврила Гаврилович Р*** яшарди. У ўзининг меҳмондўстлиги ва кўнгли

¹ А. Ипсиланти (1792—1828)—1821 йилдаги Туркияга қарши грек исёни бошлиқларидан бири.

² Грек яширин этерий жамияти аъзолари, булар Греция мустақиллиги учун курашганилар.

³ Бессараиядаги Прут дарёси бўйидаги шаҳарча, 1821 йил 29 июнда Скуляни ёнидаги қонли урушда бир неча марта ортиқ кучга эга бўлган турк аскарлари грек аскарларини тамом қириб ташлаган.

очиқлиги билан бутун атрофга донги чиққанды; құни-қүшнілари емоқ-ичмоқ ва унинг рафиқаси билан беш тийиндан құйиб бостон¹ ўйнамоқ, баъзилари эса уларнинг ўн етти ёшга кирган, қадди-қомати келишган, оппоққина қизлари Марья Гавриловна ни кўрмоқ учун минут сайнин уникига келиб-кетиб туришарди. У қиз сербисот бўлганидан, кўплари уни ўzlари, ёхуд ўғиллари учун кўзлаб юрар эдилар.

Марья Гавриловна француз романлари таъсирида тарбияланган бўлиб, шу туфайли у бирорга хуштор ҳам бўлиб қолганди. Унинг севган кишиси ўз қишлоғига отпуска олиб келган йўқсил бир армия прапорчиги² эди. Ўз-ўзидан маълумки, йигит ҳам қизни зўр эҳтирос билан севарди. Аммо қизнинг ота-оналари уларнинг бир-бирларига кўнгил қўйғанларини сезиб қолиб, қизларига у йигит ҳақида ўйлаши ҳам ман этгандилар. Йигитни эса ишидан қувилган маъмурдан ҳам ёмонроқ қабул қиласидар.

Бизнинг ошиқ-маъшуқларимиз бир-бирларидан хат олишар ва ҳар куни қарагайзорда ёки эски кичкина бутхонача ёнида кўришиб турардилар. Бу ерда улар бир-бирларига то ўлгунларича вафодор бўлишга онт ичар, тақдирларидан нолир ва турли фикр юритардилар. Шу кўйда бир-бирларига хат ёзиб ва гаплашиб юриб, улар (бу мутлақо табиий бир нарса) қуйидаги фикрга келдилар: модемики, биз, бир-биримизсиз яшай олмас эканмиз ва раҳмсиз ота-оналаримизнинг ихтиёри бизнинг бахтиёр бўлишимизга монелик қилас экан, наҳотки биз ўзимизча бирон иш қилишимиз мумкин эмас? Табиийдиркӣ, бу хуш фикр аввал йигитнинг бошига келди ва Марья Гавриловнанинг романтик тасавурига ҳам бу жуда ёқиб тушди.

Қиши кириб, уларнинг учрашувлари тўхтаб қолди; аммо бир-бирларига хат ёзиш яна ҳам кучайди. Владимир Николаевич ҳар мактубида қизга, ўзига содиқ бўлиш, маҳфий равища ни-коҳланиш ва бирмунча вақт бирор жойга яшириниш, кейин келиб ота-онасининг оёғига йиқилиш керак, ота-оналари эса, албатта, уларнинг қаҳрамонона ишлари ва ошиқ-маъшуқларнинг бахтсизликларидан таъсирланиб, оқибат, ҳеч шубҳасиз: «Болаларим! Қучогимизга келинглар»,— деяжаклар, деб уқтириб ёзарди. Марья Гавриловна кўп муддат иккиланиб юрди; қочиш учун тузилган бир талай·режалар рад этилди. Ниҳоят, у розилик берди: тайин этилган куни у, кечки овқатни емасдан, бош оғриғи баҳонаси билан, ўз бўлмасига кириб кетиши керак эди. Марья Гавриловна, хизматкор қиз ҳам бу тил бириктиришда иштирокчи эди; улар иккови орқа эшиқдан боққа чиқиб, боғнинг орқа томонида тайёр турган чапага ўтириб, Ненарадовдан беш чаҳирим наридаги Жадрино қишлоғига, тўғри черковга кириб боришлиари керак эди, у ерда эса буларни Владимир кутиб олмоқчи эди.

¹ Бостон — карта ўйини.

² Уша вақтлардаги кичик офицерлик унвони.

Тайинланган кундан бир кун олдин Марья Гавриловна бутун кече ухламай чиқди; баъзи нарсаларини йиғиштириди, кийим-кечакларини тугди, сезгир, жонкуяр бир дугонасига битта, ота-онасига битта узундан-узоқ мактуб ёзди. Қиз, улар билан энг таъсирил сўзлар ёзиб хайрлашади, ўзининг қилмишини севгининг қайтариб бўлмас кучи билан изоҳ этади ва мактубини қимматли ота-онасининг оёқларига йиқилиш учун ижозат берилган вақтни умрининг энг қувончли лаҳзаси деб ҳисоблаяжаги билан тугатади. Сўнг у икки мактубнинг бетига одобли ёзувлар ёзилган ва икки нафар ўртанган юрак расми солинган Тула муҳри билан муҳрлади ва худди тонготар пайтида ўрнига ётди-да, кўзи уйқуга кетди: аммо уни қўрқинчли хаёллар дам ўтмай уйготиб турарди. Унга, гоҳ никоҳланишга жўнаб кетиш учун энди чанага ўтирай деб турган пайтда отаси келиб, уни ушлаб олиб, гоят тезлик билан қор устидан судраб чопаётгандек, қоп-қоронги, тагсиз бир ертўлага ташлагандек... ва у ҳам, англаб бўлмас даражада юраги увушшиб, учеб бораётгандек кўринар, гоҳ Владимирни майса устида ранглари оқарган, қонга бўялган ҳолда кўрар, у жон берәтиб, чинқириб, тезроқ никоҳланиш тўғрисида ёлворармиш... У шунга ўхшаш алоқ-чалоқ ва маъносиз тушларни бирин-кетин кўраверарди. Ниҳоят, у одатдагидан кўра сўлгинроқ ва чиндан ҳам боши оғриб ўрнидан турди. Отаси билан онаси унинг безовталигини сезишади. Уларнинг меҳрибонлик билан ғам чекишлини ва: «Сенга нима бўлди, Маша? Бетоб эмасмисан, қизим?»— деган кетма-кет саволлари унинг юрагини ўттар эди. У ота-онасини хотиржам қилмоқ, ўзини хушвақтроқ қилиб кўрсатмоқга тиришарди, лекин бунга эриша олмасди. Кечкирди, ўз оиласида сўнгги кунни кечираётганини англаб юраги сиқилди. Унинг мажоли қуриб қолган эди; у ўз атрофидаги барча таниш-билишлари ва бутун нарсалар билан пинҳона видолапди. Кечки таом келтирилди; унинг юраги тез-тез ура бошлади. У титроқ товуш билан овқатга хупи йўқлигини баён этди, отаси ва онаси билан хайрлаша бошлади. Улар қизни ўпиб, одатдаги ча дуо қилдилар, унинг йифлаб юборишига сал қолди. Ўз бўлмасига киргач, юмшоқ курсига ташланди-да, кўз ёшларини маржон қилиб тўқди. Хизматкор қиз уни юпатди ва тетик бўлишга ундали. Ҳамма нарса тахт эди. Ярим соатдан кейин Маша туғилиб ўсан уйини, ўз бўлмасини, сокин қизлик ҳаётини тарк этмоги керак эди... Ташқарида бўрон турарди; шамол гувилларди; дарчалар лапанглар ва тарақларди; ҳамма нарса унга қўрқинчли ва ёмон аломатдай бўлиб кўринарди. Кўп ўтмай, уй ичи тинчланди ва уйқуга чўмди. Маша шол рўмолга ўраниб, устидан қалин кўйлак кийди-да, қўлига қутичасини кўтариб, орқа эшикдан чиқди. Унинг кетидан икки тугун кўтариб хизматкор қиз эргашди. Улар боққа чиқдилар. Бўрон тўхтамаган эди; шамол гўё ёш жиноятчи қизни тўхтатмоқчи бўлгандай, қаршидан уради. Улар зўрга боғнинг охирига етиб бордилар. Йўл ёқасида уларни чана кутиб турарди. Совқотган отлар тек турмас эди.

лар; Владимирнинг кучери чана шотиси ёнида отларни тутиб турарди. У ойимқиз билан унинг хизматкорига чанага ўтиришга ва қутича ҳам тугуларни жойлашга қарашди. Сўнгра жиловни тутгач, отлар уча кетдилар.

Ойимқизни тақдир ихтиёрига ва кучер Терёшканинг маҳоратига топшириб, энди ёш ошиқимизга келайлик.

Владимир кун бўйи ўёқ-бўёқча югурди, эрталаб у Жадрино попининг олдига бориб, уни зўрга кўндириди; кейин ён-атрофидаги помешчиклар ичидан гувоҳ қидиргани кетди. У энг аввал мурожаат этган киши, қирқ ёшлардаги истеъфога чиққан корнет¹ Дравин деган зот жон деб рози бўлди. Дравин, бу саргузашт ўтмиш замонларни ва гусарларнинг шўхликларини ёдга туширади, деб айтди. У Владимирни тушликка таклиф қилиб олиб қолди ва қолган яна иккита гувоҳни топиш ҳеч гап эмас, деб унга таскин берди. Ҳақиқатан ҳам тушлик тугаши билан мўйловли ва этигига шпор таққан танобчи Шмит билан капитан исправникнинг яқиндагина улан² бўлиб ҳарбий хизматга кирган ўн олти яшар ўғли кириб келди. Улар Владимирнинг таклифини қабул қилибгина қолмай, балки унга ўз жонларини фидо этишга тайёр эканликларига оинт ҳам ичдилар. Владимир қувониб уларни қулоқлади ва ҳозирлик кўргани жўнади.

Кеч кириб, қоронгилашганига анча бўлган эди. У ўзининг ишончли Терёшкасига муфассал ва мукаммал топшириқ бериб, тройкаси³ билан Ненарадовога юборди, ўзи учун эса бир отли кичкина чана қўштириб, кучерсиз, ёлғиз Жадринога қараб кетди, чунки у ерга икки соатлардан кейин Марья Гавриловна етиб келиши керак эди. У йўлни биларди ва етиб бориш учун узоги билан йигирма минут керак эди.

Бироқ Владимир қишлоқдан энди дала йўлига чиққан ҳам эдики, бирдан шамол туриб, шундай бўрон бошландики, у атрофидаги ҳеч нарсани кўролмай қолди. Бир онда йўл йўқолди. Ат-роф оқ қор зарралари учиб юрган лойқа, сарғиш қоронгилик ичидага йўқ бўлиб кетди: гўё осмон ер билан жиспелашибди. Владимир йўлдан четга чиқиб кетган бўлиб, яна қайта йўлга тушиб олиш учун беҳуда ҳаракат қиларди; от ўзи хоҳлаган тарафга юриб бораради ва гоҳ қор уюмига бориб тақалар, гоҳ чуқурга тушиб кетарди; чана эса ҳар онда ағдариларди. Владимир ҳар нима бўлса ҳам йўлни йўқотмасликка ҳаракат қиларди. Унга ярим соатдан ҳам ошиб кетгандай кўринди, аммо у ҳали Жадринонинг ўрмонзорига ҳам етгани йўқ эди. Яна ўн минутча вақт ўтди, ўрмонзор ҳамон кўринмасди. Владимир чуқурликлар кесиб ўтган даладан кетиб бораради. Бўрон ҳамон пасаймас, осмон ҳам ойдинлашмасди. От оёқдан тола бошлаган, Владимир эса ҳар

¹ Корнет — Чор Россиясининг отлиқ аскарлар қисмидаги энг кичик сфицерлик уивони.

² Улан — Чор Россиясида наизабардор енгил отлиқ аскарлар қисмida хизмат қилувчи ҳарбий хизматчи.

³ Тройка — уч от қўшилган чана.

қадамда белига қадар қорга ботиб бораётган бўлса ҳам, ундан дўлдай-дўлдай тер оқарди.

Ниҳоят, у бошқа тарафга қараб кетаётганини билди. Владимир отини тўхтатди-да, ўйлай, хотирлай бошлади ва ўнг тарафга қараб юриш керак деб билди. Ўнг тарафга қараб юрди. Оти зўрга қадам ташларди. Йўлга чиққанига бир соатдан ошган эди. Жадринога яқин қолган бўлса керак. Бироқ у ҳамон юриб борар, даланинг эса адоғи кўринмасди. Ҳамма ер қор тепаликлар ва чуқурликлардан иборат эди; дам ўтмай чана ағдарилиб турар ва у ўнглаб кўтариб қўярди. Вақт ўтиб борарди; Владимир қаттиқ ташвишланди.

Ниҳоят, бир томондан нимадир қорайиб кўринди. Владимир ўша ёққа қараб бурилди. Яқинлашиб бориб, ўрмонни кўрди. Худога шукур, энди яқин қолди, деб ўйлади у. Дарров танини ўйлга тушиб олмоқ, ёхуд уни айланиси ўтмоқ ниятида, ўрмонзор ёқалаб борди; чунки Жадрино шу ўрмонзор орқасида бўлса керак деб ўйларди у. Кўп ўтмай, ўйлни топиб олди ва қиш ялан-точлаб қўйган қоронғи дараҳтзор ичига кирди. Бу ерда шамол қаттиқ эмас, ўйл теп-текис эди: от гайратга кирди; Владимиринг ҳам кўнгли тинчиidi.

Бироқ у тўхтамай борар, бораверар, Жадрино эса кўринмас, ўрмонзор сира тугамасди. Владимир нотаниши ўрмонга кириб қолганини кўриб, қўрқиб кетди. Уни умидсизлик босди. У отга қамчи урди; бечора жонивор йўргалади, бироқ кўп ўтмай яна секин юра бошлади ва баҳтсиз Владимиринг ҳар қанча ҳарарат қилганига қарамай, ўн беш минутлардан кейин секин-секин қадам ташлай берди.

Дараҳтлар аста-секин сийраклаша борди, Владимир ўрмондан чиқди; Жадрино кўринмас эди. Вақт ярим кечага бориб қолган бўлса керак. Унинг кўзларидан ёшлар томди, у таваккал деб юра кетди. Ҳаво тинчланиб, булутлар тарқалди, унинг олдида гўё тўлқинли оппоқ гиламдек текислик ёйилиб ётарди. Кечача анча ёруг эди. У яқин бир ерда тўрттами-бешта қўрадан иборат бир қишлоқни кўрди. Владимир ўша ёққа қараб юрди. У биринчи уй ёнидаёқ чанадан сакраб тушди-да, дарааза ёнига келиб уни тақиллата бошлади. Бир неча минутдан кейин дарча очилиб, ундан бир чолнинг оппоқ соқоли кўринди. «Сенга нима керак?» «Жадрино олисми?» «Жадрино олисми дейсанми?» «Ҳа, ҳа. Олисми?» «Олис эмас, ўн чақиримча келар». Бу жавобни эшигган Владимир, худди ўлимга ҳукм қилинган кишидай сочини чанглаб қимириламай қолди.

«Ўзинг қаерликсан?» — деб давом этди чол. Саволларга жавоб беришга Владимирда мадор қолмаган эди. «Чол,— деди у,— Жадринога етиш учун менга от топиб бера оласанми?» «От бизда нима қилисан?» — деб жавоб берди мужик. «Ҳеч бўлмаса битта ўйл бошловчи топилмайдими? Сўраганини тўлайман». «Шошма-чи,— деди чол дарчани ёпа туриб,— ўғлимни чақираман; у сени кузатиб боради». Владимир кута бошлади. Бир минут ўт-

масданоқ яна деразани тақиллатди. Дарча очилиб, соқол күринди. «Нима дейсан?» «Ха, ўғлинг қани?!» «Хозир чиқади, кийин-япти. Совқотдингми? Кир, исиниб ол». «Раҳмат, ўғлингни тезроқ чиқар».

Дарвоза гижирлаб очилди. Құлига гаврон ушлаган йигит чиқиб: олдиндаги қор тепаликлари беркитиб кетган йүлни гоҳ күрсатиб, гоҳ ахтариб йўлга тушди. Владимир ундан: «Соат неча бўлдийкин?» — деб сўради. «Тонг отишига сал қолди», — деб жавоб берди йигит. Шундан кейин Владимир жим бўлиб қолди.

Улар Жадринога етиб боргандарида хўроллар қичқирав, тонг отиб қолган эди. Черков берк эди. Владимир йўл бошловчичинг ҳақини берди-да, попнинг қўрасига борди. Ҳовлида унинг тройкаси кўринмасди. Уни қандай шум хабар кутади — билмасди!

Бироқ хуш табиат Ненарадово помешчикларига келайлик ва уларда нималар бўлайтганини кўрайлик.

Ҳеч бир нарса бўлгани йўқ.

Чолу кампир эрталаб уйқудан туриб, меҳмонхонага чиқдилар. Гаврила Гавриловичнинг бўшида қалпоқ, эгнида тулки мўйнасидан тикилган камзул, Прасковья Петровнанинг эгнида пахтали камзул. Самовар келтирилди. Гаврила Гаврилович Марья Гавриловнанинг сихатини ва қандай ухлаганини билмоқ учун хизматчи қизни киргизди. Хизматчи қиз қайтиб чиқиб, хонимнинг яхши ухламаганини, бироқ эндиликда анча енгиллашганини ва ҳозир меҳмонхонага чиқажаганини билдириди. Дарҳақиқат, эшик очилиб, Марья Гавриловна кирди ва отаси, онаси билан кўришмоқ учун уларнинг ёнига келди.

«Бошинг қалай, Маша?» — деб сўради Гаврила Гаврилович. «Яхши, отажон», — деб жавоб берди Маша. «Кеча сенга ис тегиб қолгандир дейман, Маша», — деди Прасковья Петровна. «Эҳтимол, ойижон», — деб жавоб берди қиз.

Кун омон-эсонлик билан ўтди, бироқ кечаси Машанинг тоби қочди. Табиб келтиргани шаҳарга одам юбордилар. Табиб кечқурун етиб келди ва бетобни алаҳлаган бир ҳолатда кўрди. Иситма кўтарилигидан кўтарилиб бечора бемор икки ҳафтача нари бориб, бери келиб ётди.

Қизнинг қочмоқ ниятидан уйдагиларнинг ҳаммаси бехабар эди. Унинг қочиш куни кечаси ёзган мактублари ёндириб юборилганди, хизматчи қиз эса хўжайнларининг газабидан қўрқиб, ҳеч кимга ҳеч нарса демас эди. Поп, истеъфога чиққан корнет, мўйловдор танобчи ва ёш улан жуда камтарин эдилар, бу бекиз эмас эди. Кучер Терёшка ҳатто кайфи ошганда ҳам оғзидан ортиқча сўз чиқармас эди. Шундай қилиб бу сир воқеада иштирок этган олти-етти киши ичидаги сақланиб қолаверган эди. Аммо сирни Марья Гавриловнанинг ўзи тинмай алаҳлаган вақтларида очиб қўйди. Шундай бўлса-да, унинг сўзлари шу қадар чалкаш эдики, ёнидан сира силжимай ўтирган онаси фақат қизининг Владимир Николаевични жудаям яхши кўриб қолганини ва бетоблигига ҳам шу муҳаббат сабаб бўлганини англади. У ўз эри,

баъзи бир қўни-қўшнилари билан маслаҳатлаши ва ниҳоят, ҳаммалари бир оғиздан, Марья Гавриловнанинг тақдиди шу экан, қисматни олдиндан билиб бўлмайди, камбағаллик айб эмас, киши бойлик билан эмас, балки киши—киши билан яшайди ва ҳоказо деган қарорга келдилар. Биз ўз қилимишларимизни оқлаш учун сўз тополмаган вақтларимизда, одоб-ахлоқга доир иборалар кўп фойдали бўлади.

Шу орада ойимқиз тузала бошлади. Гаврила Гавриловичнинг уйига Владимир анчадан буён келмасди... У жўнгина қабул этишларидан чўчиб қолган эди. Унинг олдига одам юбориб, куттилмаган бир баҳтни, яъни никоҳга розилик берганларини айтдилар. Бироқ Ненарадово помещиклари ўз даъватларига ундан савдоийларча ёзилган бир хат олиб, кўп ҳайратда қолдилар!. У Владимир ўз мактубида, бундан буён уларнинг уйларига оёқ босмаяжагини айтиб, бирдан-бир умиди ўлим бўлган бир баҳтсизни эсдан чиқаришларини сўраганди. Бир неча кундан кейин билишса, Владимир армияга жўнаб кетипти. Бу ҳодиса 1812 йилда бўлган эди.

Бу хақда аста-секин соғайиб келаётган Машага узоқ вақтгача бирор нарса айтишга журъат эта олмай юрдилар. У Владимирини ҳеч оғзига олмас эди. Бир неча ойлардан кейин у Бородино жангидаги жасорат кўрсатганлар ва оғир ярадор бўлганлар орасида Владимирнинг исмими кўриб, ҳушидан кетди ва ота-онаси унинг иситмаси яна қайталаб қолишидан қўрқди. Лекин, тангрига шукурки, ҳушсизликнинг оқибати баҳайр бўлиб чиқди.

У бошқа бир мусибатга учради. Гаврила Гаврилович бутун мулкини қизига мерос қолдириб, ўзи вафот этиб кетди. Аммо Машага мерос тасалли бермасди; у Прасковья Петровна билан чин юракдан қайтуар экан, у билан бир умр ажрашмасликка онт ичди ва икковлари ҳам аччиқ хотиралар ўрни бўлмиш Ненарадовони ташлаб, *** даги мулкларига кўчиб кетдилар.

У ерда ҳам бу гўзал ва бадавлат қиз атрофида йигитлар айланисиша бошлади; бироқ у ҳеч бирини озгини бўлса ҳам умидвор қилмасди. Онаси баъзан уни ўзига ўйлодош топиб олишга кўндиromoқчи бўларди; Марья Гавриловна бошини чайқаб, хаёлга чўмиб кетарди. Владимир энди ҳаёт эмас эди: у французларнинг Москвага киришлари олдидан вафот этган ва унинг хотираси Маша учун муқаддас бир нарса бўлиб қолган эди; ҳар ҳолда, қиз унинг хотирга соладиган бутун нарсаларини: бир вақтлар у ўқиган китобларни, унинг учун чизган расмларни, кўчириб берган шеърлар ва ноталарнинг ҳаммасини эҳтиёт билан сақлар эди. Бутун нарсадан хабардор бўлган қўшнилар, унинг сабрига ҳайрон қолишар ва мудом ўзининг қизлик иффатини сақлаб келаётган бу ажойиб Артемида¹нинг қайгули садоқатини енгажак бирон қаҳрамон йигит чиқшини синчковлик билан кутардилар,

¹ Артемида — (юнон афсонасида) — Юпитернинг қизи ва Аполлоннинг синглиси — ой, ов ва ўрмон тангриси; иффатли қиз (таржимон).

Шу орада уруш шоншараф билан тугади. Бизнинг лашкарларимиз хориждан қайтиб кела бошладилар. Халқ уларни қаршиламоқ учун күчаларга чиқарди. Музика ғалаба маршларидан: *Vive Непті Quatré*¹ құшиғини, Тироль вальсларини ва Жоконда арияларини чаларди. Сафарга ўсмир чоқларида кетган офицерлар жаңг майдонларида үлгайиб, крестлар тақиб қайтмоқда әдилар. Солдатлар ҳар гапларида немис ва француз сүзларини құшиб, үзаро хушчақчақ гаплашардилар. Бу шундай унүтилмас ыншұхрат ва қувонч дамлари эди. *Ватан* деган сүз әшитилганды рус қалби нақадар кучли уарди! Дийдор күришиб хурсандчиликдан күзөш қылган ондай лаззатли он бұлмаса керак! Халқ ияниг ғурури ва подшога бұлған севгисини мислесиз яқдиллик билан изҳор этардик... Бинобарин, подшо учун ҳам әнг лазиз дамлар әди у дамлар!

Аёллар, рус аёллари у замонларда тенгсиз әди. Уларнинг одатдаги совуққонникларидан асар ҳам қолмаган бұлиб, уларнинг ғолибларни қарши олишдаги «ура!» деб қычқиришлари нақадар мароқли әди.

Улар чепчикларини осмонга отардилар.

У замондаги офицерлардан ким — рус аёлига әнг яхши, әнг қимматли мукофот ўзи әканини әътироф әтмаган.

Шу порлоқ бир пайтда Марья Гавриловна онаси билан *** губернасида яшарди ва иккала пойтахтда² құшиниларнинг қайтиб келиши шарафига бұлалёттан тантананы күрмасди. Лекин уезд ва қишлоқда умумий қувонч балки яна ҳам кучлироқ бұлғандир. Бу ерларда бирон бир офицернинг пайдо бўлиши, унинг учун ҳақиқий тантана бўлиб, унинг ёнида фрак кийган ошиқларнинг ҳолигавой әди.

Марья Гавриловнанинг бепарволигига қарамай, унинг атрофи ни күёвлар ўраб олгани тұғрисида айтib ўтган әдик. Аммо унинг саройида ярадор гусар полковник Бурмин пайдо бўлганидан кейин, ҳаммалари орқага чекиндилар. Бурминнинг кўкрагида Георгий нишони бор бўлиб, ўзи ҳам ўша ерлик қизларнинг айтишларича, ажойиб дилбар йигит әди. Ёши йигирма олтиларда әди. У Марья Гавриловнанинг қишлоғи ёнида бўлган ўз мулкига отпуска олиб келган әди. Марья Гавриловна у билан бутунлай бошқача муносабатда әди. Қиз у билан танҳо қолганда, одатдаги ўйчанлигини тарқ этарди. У полковникка карашма қиласи деб айтиб бўлмасди албатта; бироқ унинг қилиқларини кўрган шоир *Se amog pop e, che dungue?*³ деб айтиши турган гап әди.

¹ «Яшасин Генрих IV» (Бурбонларнинг Францияга қайтганларидан искем тарқалған француз ашуласи).

² Илгари вақтлар Петербург билан бир қаторда Москва ҳам пойтахт қисбланарди.

³ Бу муҳаббат бўлмаса нима? (итальянча).

Ҳақиқатан ҳам, Бурмин жуда ёқимли йигит эди. У хотин-қызларга ёқадиган, одобли, сермулоқаза, бетакаллуп, хушчақ-чақ бир йигит эди. У Марья Гавриловна билан содда ва эркин муюмалада бўларди; аммо Марья Гавриловна нима демасин ва нима қилмасин, Бурминнинг юраги ва назар-эътибори ундан четда қолмасди. Йигит ҳам қизга мўмин-қобил, ахлоқли кўринарди, бироқ унинг илгари жуда шўх бўлгани тўғрисида ривоят ҳам бор эди, бу эса, Марья Гавриловнанинг фикрича, унинг қимматини туширмасди, қиз (умуман ҳамма ёш жувонлар сингари) характернинг жасоратли ва жўшқин эканини кўрсатадиган шўхликларни мамнунлик билан кечириб юборади.

Аммо бундан ҳам ташқари... (яъни унинг мулојимлигидан, ёқимли сўзларидан, жуда ажойиб дилбар йигит эканлигидан, боғланиб қўйилган қўлидан ташқари), айниқса ёш гусарнинг камгаплиги қизнинг фикру хаёлині: ўзига кўпроқ тортарди. Ўзининг полковникка жуда ёққанини қиз эътироф қилмай қололмасди; эҳтимол у ҳам ақли, тажрибаси билан ўзининг қизга ёққанини сезган бўлса керак: нега бўлмаса шу маҳалгача қиз, унинг ўз оёқларига йиқилиб, севгисини изҳор этишини кўрмади? Уни нима тўхтатиб турар экан? Тортинчоқликми, ғурурми, ёки айёр бир хотиннинг нозими? Бу, Марья Гавриловна учун бир муаммо эди. Кўп ўйлаб кўргач, қиз унинг бирдан-бир сабабини уятчанлик деб топиб, унга кўпроқ эътибор беришга ҳамда вазиятга қараб, ҳатто эркалик ҳам қилишга жазм этди. У энг кутилмаган бир вақтни мўлжаллар ва романтик ишқнинг изҳор этилиш пайтини сабрсизлик билан кутарди. Қандай сир бўлмасин, ҳаммавақт хотин қалбини эзади. Унинг тутган йўли орзу этилган муваффақиятлар келтирди. Бурмин хаётчанликка тушиб қолди ва унинг қора кўзлари Марья Гавриловнага шу қадар ёниб боқадиган бўлдики, афтидан ҳал қилувчи дамлар етиб келгандай туюларди. Қўуни-қўшнилар тўй ҳақида узил-кесил ҳал бўлган масаладай гапиришардилар, меҳрибон Прасковья Петровна эса, ниҳоят қизининг ўзига муносибини топганига қувонарди.

Бир кун кампир меҳмонхонада карта билан фол очиб ўтирақкан, Бурмин кириб келди-да, Марья Гавриловнани сўради. «У боғда,— деб жавоб берди кампир,— олдига боринг, мен сизларни бу ерда кутаман». Бурмин кетди, кампир эса чўқиниб: қани энди, иш бугуноқ бита қолса, дерди.

Бурмин Марья Гавриловнани ҳовуз бўйида, мажнунтол тагида топди, у қўлида китоб ушлаган, оппоқ кийинган, худди романнинг ҳақиқий қаҳрамони эди. Бир-икки саволдан кейин Марья Гавриловна сухбатни жўрттага давом эттирмади ва шунинг билан икки орадаги довдирашни кучайтиromoқчи ва ундан фақат тўсатдан ва узил-кесил муҳаббат изҳор этилиши билан қутулмоқчи бўлди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Бурмин ўзининг қийин вазиятга тушиб қолганини сезиб, розини айтмоқ учун анчадан бўён фурсат ахтариб юрганини билдириди ва бирпас-

гина эътибор беришини сўради. Марья Гавриловна китобни ёпди ва розилик ишорати ўлароқ бошини қуий эгди.

«Мен сизни севаман,— деди Бурмин,— мен сизни зўр эҳтирос билан севаман...» (Марья Гавриловна қизариб кетди ва бошини яна ҳам пастроқ эгди.) «Мен сизни ҳар куни кўрмоқ ва сўзингизни эшитмоқ каби ёқимли одатга берилиб, эҳтиётсизлик қилибман...» (Марья Гавриловна St.-Рене¹ нинг биринчи хатини хотирлади). «Энди тақдиримга қарши чиқиш вақти ўтди: сизнинг хотирангиз, сизнинг гўзал, мислесиз жамолингиз бундан буён менинг ҳаётим изтироби ва севинчи бўлиб қолажак; аммо мен даҳшатли бир сирни очишим ва ўртамизга ўтиб бўлмайдиган гов қўйишим керак». «Бу гов ҳаммавақт бор эди,— деб унинг сўзини бўлди дарҳол Марья Гавриловна,— мен ҳеч қачон сизнинг хотинингиз бўла олмасдим...» «Еиласман,— деб жавоб берди секингина Бурмин,— ўтмишда сиз бир кимсани севганингизни биламан, лекин у йигитнинг ўлими ва сизнинг тутган уч йиллик мотамингиз... Марҳаматли, севимли, Марья Гавриловна... Мени энг сўнгги умидимдан маҳрум қилишга тиришманг: менинг учун баҳт яратишингиз мумкин эканлиги фикри... сўзламанг, худо ҳақи, сўзламанг. Сиз мени азобда куйдиряпсиз. Шундай, мен биламан, мен сезаман, сиз менинг хотиним бўла олардингиз, аммо мен бадбаҳт... уйланганман!»

Марья Гавриловна ҳайратда қолиб, унга қаради.

— Мен уйланганман,— деб давом этди Бурмин,— уйланганимга мана тўрт йил бўлди-ю, аммо хотинимнинг ўзи ким, қаерда ва умуман уни кўрармикинман — билмайман!

— Нима дедингиз?— деб таажжубланди Марья Гавриловна.— Жуда қизиқ!. Давом этаверинг; мен кейин айтиб бераман... Қани, давом этинг-чи, марҳамат.

— 1812 йилнинг бошида,— деди Бурмин,— мен Вильнога кетаётган эдим, у ерда бизнинг полкимиз турарди. Бекатга анча кеч келиб, тезроқ арава қўшишга буюрдим, шу тобда бирдан даҳшатли бўрон турди, бекат назоратчиси ва кучер бўрон пасайгандан кейин жўнашга маслаҳат беришиди. Мен кўндим, аммо мени қандайдир англаб бўлмайдиган бир ҳавотирлик босди; гўё бирор мени «йўлингдан қолма!» деб туртаётгандек туюлди. Бўрон ҳам босила қолмади. Менинг сабр-тоқатим тугади-да, яна от қўшдириб, бўронда йўлга тушдим. Ямшик йўлни уч чақиримча қисқартираман деб, дарё бўйидан кетди. Қирғоқлар қор остида кўринмай кетган эди; кучер дарёдан тўғри йўлга чиқадиган жойдан ўтиб кетипти ва биз танимаган бир ердан чиқиб қолдик. Бўрон ҳамон босилмаганди; мен бир томонда чироқ кўриб, ўша томонга бурилишни буюрдим... Қишлоққа кириб келдик; ёғочдан солинган черковда чироқ милтилларди. Черков очиқ эди, панжара орқасида бир неча чана турарди; черковнинг олдингиз бўлмасида бир неча киши юриб турарди. Бир неча товуш мени:

¹ Сен-Прё — Жан-Жак Руссоннинг «Яиги Элонза» романининг қаҳрамони.

«Буёққа!» деб қичқирди. Мен ямшикка черков ёнига бориб түхташга буюрдим. Кимdir менга: «Шу маҳалгача қаерда қолдинг, келин ҳушдан кетиб қолди; поп нима қилишини билмаяпти; биз қайтиб кетмоқчи бўлиб туриб эдик. Қани, кира қол, тезроқ», — деди. Мен индамай чанадан сакраб тушдим-да, иккита-учта шам билан сал-пал ёритилган черковга кирдим. Қиз черковнинг қоп-қоронғи бурчагида, скамейкада ўтиради; бошқа бир қиз унинг елкасини зўр бериб ишқаларди. «Худога шукур,— деди буниси,— энди етиб келганингизми?.. Сал бўлса қизгина ўлиб қоларди». Қекса поп менга яқин келди-да: «Бошлашга рухсат этарсиз!» — деб сўради. Мен паришон бир ҳолда: «Бошлайверинг, ота, бошлайверинг», — дедим. Қизни ўрнидан турғаздилар. Қиз менга анча дуруст кўринди... Англаб бўлмайдиган, кечириб бўлмайдиган бир енгилтаклик... Мен унинг ёнига, стол олдига ўтиб турдим: поп шошарди; уч киши ва хизматкор қиз — келиннинг қўлтиғидан тутиб турардилар ва фақат у билан овора эдилар. Бизни никоҳладилар. «Упишингиз», — дейишиди бизга. Хотиним менга ўзининг сўлғин юзини ўгириди. Мен уни энди ўимоқчи бўлиб турган эдим... У бирдан: «Оҳ, бу эмас, бу эмас!» — деб ҳушидан кетиб йиқилди. Гувоҳлар, қўрқувли кўзлари билан менга боқдилар. Мен орқамга бурилдим-да, ҳеч қандай тўсиққа учрамай, черковдан чиқдим, чанамга тушиб: «Хайда!» — деб бақирдим.

— Эҳ, парвардигор! — деб қичқириб юборди Марья Гавриловна.— Наҳот, бечора хотинингизнинг бошига нималар тушганини ҳали ҳам билмасангиз?

— Билмайман, — деди Бурмин, — ҳатто қайси қишлоқда ва қандай жойда никоҳдан ўтганимни ҳам билмайман: қайси бекатдан чиққаним ҳам ёдимдан кўтарилиди. У вақтлар бу жиноий шўхликларга шу қадар оз аҳамият берардимки, ҳатто черковдан бир оз узоқлашгач, ухлаб ҳам қолибман ва эртасига эрталаб, учинчи бекатга бориб етганда уйгонибман. Уша вақтдаги қаролим ҳам сафарда ўлиб кетди. Менинг эса эндиликда бир вақтлар инсофсиз равишда ҳазиллашганим ва шунинг учун бўлса керак мендан ҳам зўр интиқом олмиш у қизни топишга умидим ҳам ийқ.

— Оҳ тангрим, оҳ тангрим! — деди Марья Гавриловна, унинг қўзини ушлаб олиб.— Уша сиз эдингизми! Ҳали ҳам мени танимай турибсизми?..

Бурмин оқариб кетди.., ва қизнинг оёқларига йиқилди...

ТОБУТСОЗ

Кўринимасми ҳар кун тобутлар,
Сочлари оқ қекса дунёнинг.

Державин

Тобутсоз Адриан Прохоровнинг охирги лаш-лушлари ўлик ташайдиган аравага ортилган бўлиб, бир жуфт ориқ от Басман-

наядан Никитская күчасига түртнинчи марта қатиамоқда эди: тобутсоз бутун уй ичи билан шу ерга күчіб келганди. У дүкөнни ёпіб, әшигига, уй сотилади ва ижарага берилади, деган әълонни қоңыб қүйді-да, янги күчіб борган жойига яёв кетди. Хаёлини күпдан бери ўзига жалб қилиб келган ва ниҳоят анча пулга сотиб олгани кичкинагина сариқ уйга яқынлашиб қолганида, кекса тобутсоз негадир юраги қувонмаётганини сезиб, таажжубланди. У нотаниші останадан ўтиб ўзининг янги уйидаги бесаранжомликни күрар экан, ўн сақиз йил мобайніда ҳамма буюмлари ғоят тартибли жойлашган эски кулбасини эслаб, ух тортди ва имиллаб ҳаракат қилаётгандарды учун иккала қизи билан хизматкор хотинни койиб, ўзи ҳам уларга ёрдамлаша бошлади. Күп ҳам ўтмай тартиб ўрнатылди; Исонинг сурати, идиш-товоқ қүйилган шкаф, стол, диван ва каравот уйдан ўzlари учун ажратылган жойларни ишғол қилдилар; ошхона ва меҳмонхонага хўжайиннинг нарсалари: ҳар хил ранг ва ҳажмдаги тобутлар, шунингдек, мотам шляпалари, ридолар ва машъяллар қўйилган гикафлар жойланди. Дарвозанинг тепасига, боши пастга қаратылган машъял ушлаган хушқомат севги тангриси Амурнинг сурати солинган ҳамда «Бу ерда оддий ва бўялган тобутлар сотилади ҳамда ҳар хил матолар билан жиҳозланади, шунингдек, ижарага берилади ва эскилари тузатилади»,— деб ёзилган лавҳа сеилди. Қизлар ўз хоналарига кириб кетдилар. Адриан ўз уйини бир айланиб чиқиб, дераза олдига ўтириди-да, самовар қўйинши буюрди.

Шекспир билан Вальтер Скотт иккаласи ўзларининг гўрковларини хушчақчақ ва ҳазилкаш кишилар сифатида тасвир қилганилклари ва бу қарама-қаршиликлар билан бизлинг тасаввуримизга яна ҳам қаттиқроқ таъсир қилиш ниятида бўлганилклари маърифатли китобхонларга маълум албатта. Биз ҳақиқатга нисбатан ҳурмат сақлаганлигимиз туфайли, уларга эргаша олмаймиз ва ўз тобутсозимизнинг хулқини унинг кўнгилсиз касбига нисбатан мутлақо монанд эди, деб эътироф этишга мажбурмиз. Адриан Прохоров одатда тумшайган ва ўйчан киши эди. У факат қизларини ойнадан ўткинчиларга қараб бекор ўтирганини кўриб қолса — уларни койимоқ ёки ўзининг ясаган буюмнига муҳтож бўлиш бахтсизлигига (баъзан эса лаззатига) дучор кишилардан ўз молига юқори баҳо сўраш борасидагина жимликни бузар эди. Шундай қилиб, Адриан дераза олдида ўтириб еттинчи писёла чойни ичаркан, ўз одати бўйича, ғамгин бир уйга толган эди. У бундан бир ҳафта муқаддам, истеъфодаги бригадирни кўмиш маросими куни, худди застава ёнига борган ваҳтда қуйиб юборган жала ҳақида ўйларди. Ушанда ёмғирдан кўп ридолар буришиб, кўп шляпалар қийшайиб қолганди. У анча-мунча харажат бўлишини олдиндан кўрар, негаки, тобутга доир аллақачонги безаклар, буюмлар ишдан чиқиб қолган эди. У кўрган заарларини бир йилдан бери ўлим тўшагида ётган қари савдогар хотин Трюхина ҳисобида тўлдираман, деб умид

қыларди. Лекин Трюхина Разгуляйда жон талвасасида ётар, шунинг учун ҳам Прохоров, унинг меросхўрлари ўз ваъдаларига қарамай, шундай узоқ жойга одам юборишдан эринмасмикинлар ва яқинроқдаги пурратчига бериб қўймасмикинлар, деб қўрқарди.

Бу ўйлар тўсатдан эшикнинг уч марта ғалати тақиллаши билан бузилди: «Ким у?»— деб сўради тобутсоз. Эшик очилиб, уйга, бир қаращаёк ҳунарманд немис экани билиниб турган бир одам кириб келди ва очиқ чеҳра билан тобутсознинг олдига келди. «Кечирасиз, ҳурматли қўшни,— деди у, биз эшитганимиз ҳамоно ўзимизни кулгидан тўхтатолмайдиган рус лаҗжаси билан,— кечирасиз, мен сизга халақит бердим.. Мен тезроққина сиз билан танишиб олишни истадим. Мен этикдўзман, номим Готлиб Шульц, ўзим кўчанинг нариги бетида, худди дера зангизнинг рўпа расидаги уйда тураман. Эртага уйланганимга йигирма беш йил тўлиши муносабати билан зиёфат бермоқчиман, шунга, қизларингиз билан бирга дўстона меҳмон бўлишингизни илтимос қиласман». Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Тобутсоз этикдўзни ўтиришга ва бир пиёла чой ичишга таклиф этди ва Готлиб Шульцнинг очиқ кўнгиллиги орқасида, улар тез орада дўстона сухбатга тушиб кетдилар. «Жанобларининг савдо-сотиқлари қалай?»— деб сўради Адриан. «Э-ҳе-ҳе,— деб жавоб берди Шульц,— гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ. Гарчи, албатта, менинг молим сизнидай бўлмаса ҳам, лекин зорланмайман; чунки тирик одам этиксиз ҳам яшай олади, аммо ўлик тобутсиз ёта олмайди». «Бу чин ҳақиқат,— деди Адриан,— бироқ тирик одам этик сотиб олишга пули бўлмаса, жаҳлингиз чиқмасин, оёқ яланг ҳам юра беради, аммо бечора ўлик-чи, текинга бўлса ҳам тобут олади». Шу равища уларнинг сухбати яна бир қанча вақт давом этди; шиҳоят этикдўз ўрнидан турди ва ўз таклифи-ни яна айтиб, тобутсоз билан хайрлашди.

Эртасига соат ғоса ўн иккida, тобутсоз ва унинг қизлари, ёнги сотиб олинган ҳовлининг эшигидан чиқиб, қўшниникига йўл олдилар. Мен бу сафар, ҳозирги романчиларимиз тарафидан қабул қилинган одатдан четга чиқиб, Андриан Прохоровнинг русча кафтанини, ёхуд Акулина билан Дарьянинг европача кийимларини тасвирлаб, ўтирамайман. Аммо бир нарсани айтиб ўтсам ортиқча бўлмас, деб ўйлайман: ҳар икки қиз сарқи шляпа ва қизил бошмоқ кийиб чиқишиди, бу ҳол уларда фақат тантанали пайтлардагина рўй берар ёди.

Этикдўзнинг тор уйи, кўпчилиги ҳунарманд немислар, уларнинг хотинлари ва шогирдларидан иборат меҳмонлар билан тўла эди. Рус амалдорларидан ўзининг камтар унвонига қарамай, хўжайниннинг алоҳида хайриҳоҳлигини ўзига қаратса билган мираншаб чухон¹ Юркогина бор ёди. У шу унвон остида, худди

¹ Чухон — финн.

Погорельскийнинг почталоғонига¹ ўхшаб, чин ихлос ва ҳаққоният билан роса йигирма беш йил хизмат қилган одам эди. Қадимий пойтахтни ҳароб қилган ўн иккинчи йилги ёнгин, унинг ҳам сарық будкасини йўқ қилганди. Лекин душман қувилиши била-ноқ, унинг ўрнига яна кулранг, доридий услугидаги оқ устунли янги будка пайдо бўлади ва Юрко, устида совут, қўлида чопқи, яна унинг олдидаги ўёқдан-буёққа юра бошлайди. У Никитский дарвозаси ёнида яшайдиган немисларнинг кўпи билан ошна эди: ҳатто улардан баъзиларининг якшанбадан душанбага ўтар кечаси унинг будкасида тунаб қолган вақтлари ҳам бўларди. Адриан ўша заҳотиёқ у билан танишиб олди, чунки вақти келиб, бир кун унинг бу одамга иши тушиши мумкин эди, шу важдан меҳмонлар овқат столига ўтирас эканлар, улар ёнма ён жой олдилар. Жаноб Шульц, Шульц хоним ва уларнинг ўн етти яшар қизи Лотхен меҳмонлар билан бирга овқатланар, уларга мулозамат қиласи ва ошпаз хотинга ёрдамлашар эди. Пиво пайдарпай келиб турди. Юрко тўрт кишининг овқатини ер, Адриан эса ундан қолишмас эди; қизлари бўлса одоб сақлаб, торгиниб ўтиришарди; немис тилида сўзлашиш тобора авжга минарди. Бирдан хўжайин улардан эътибор беришларини сўради ва маҳкам қилиб беркитилган шиша оғзини очиб, қаттиқ овоз билан русчалаб: «Менинг меҳрибон Луизамниңг соглиги учун!»— деди. Шампанский кўпирдиди. Хўжайин қирқ яшар рафиқасининг тиниқ юзидан назокат билан ўпди, меҳмонлар чувилашиб, меҳрибон Луизанинг соглиги учун ичдилар. «Севикили меҳмонларимнинг соглиги учун!»— деди хўжайин иккинчи шишанинг оғзини очиб ва меҳмонлар қадаҳларини бўшатиб, унга ташаккур билдирилар. Шундан сўнг соглиқ учун кўтарилган қадаҳлар орқасидан қадаҳлар узатила берилди: ҳар бир меҳмоннинг соглиги учун алоҳида-алоҳида ичдилар, Москванинг а бошқа бир қанча Герман шаҳарларининг осойишталиги учун ичдилар, ҳамма цехларнинг² осойишталиги учун ва ҳар қайси цехнинг осойишталиги учун айрим-айрим ичдилар. Усталар ва шогирдларнинг соглиги учун қадаҳ кўтардилар. Адриан ҳам астойдил ича бошлади ва ниҳоят шу қадар кайф қилдики, ҳатто ўзи ҳам ҳазил қилиб бир нарсанинг осойишталиги учун қадаҳ жўтаришни таклиф қилди. Тўсатдан меҳмонлардан бири, семиз булкачи қадаҳ кўтариб хитоб қилди: «Биз қим учун ишласак— ўшаларнинг, яъни unserег Kundleute³ ларнинг соглиги учун!» Бу таклиф ҳам ҳамма таклифлар сингари хурсандчилик ва яқдиллик билан қабул қилинди. Меҳмонлар бир-бирларига таъзим қилишди; тикувчи этикдўзга, этикдўз тикувчига, булкачи уларнинг ҳар иккаласига, уларнинг ҳаммалари булкачига ва

¹ Антоний Погорельскийнинг (лақаби А. А. Перовский) «Лафертовская смаковница» номли повестидаги қаҳрамонлардан бири.

² Цех — бу ўринда бирор ҳунарга мансуб бўлган косиблар ташкилоти маъносида.

³ Мижозларимизнинг (немисча).

ҳоказо. Юрко, бу ўзаро таъзимлар орасида қўшнисига қараб қичқириб: «Хўш, қани бўлмаса, тақсир, ўз ўликларингизнинг соғлиғи учун ичинг!»— деди. Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди аммо тобутсоз хафа бўлиб, қовоғини солди. Аммо буни ҳеч ким сезмади. Меҳмонлар ичишаверишди. Улар столдан қўзғалгандариди, кеч кириб қолган эди.

Меҳмонлар кеч тарқалишди ва кўплари кайф билан кетдилар. Семиз булкачи ва қизил юзли муқовасоз, қарз тўланиши билан чиройли, деган рус мақолига амал қилиб, Юркони қўлтиқлаб будкасига олиб бориб қўйдилар. Тобутсоз уйига маст ва жаҳли чиққан ҳолда келди. «Бу нима деган гап ахир!— деди овозини чиқариб у.— Менинг ҳунаримнинг бошқа ҳунарлардан нимаси ёмон экан? Нима, тобутсоз жаллоднинг акасими? Гайдинлар ницмага мендан кулишади? Нима, тобутсоз имонсиз, йиқкор эканми? Тағин мен янги уйга кўчиб келишпим муносабати билан уларни меҳмонга чақиришни ва катта зиёфат беришни орзу қилиб юрибман; энди бериб бўпман зиёфат уларга! Энди мен кимлар учун ишласам ўшаларни — православ мазҳабидаги ўликларни чақираман». «Сизга нима бўлди, отахон?— деди шу маҳалда уни ечинтираётган хизматкор хотин.— Нималар деб алжираяпсиз? Таъба денг! Ўликларни зиёфатга чақираман эмиш! Қилигини қаранг-а!» «Худо ҳақи, чақираман,— деб давом этди Адриан.— Худди эртагаёт чақираман. Менинг саодат пешаларим, эртага кечқурун меникига зиёфатга марҳамат қилинг: тангри нимани раво кўрса — шу билан меҳмон қиласман сизларни». Тобутсоз шу сўзларни айтиб каравотига бориб ётди ва кўп ўтмай хуррак тортиди.

Адрианни уйготганларида ҳали ташқари қоронги эди. Бойвучча Трюхина шу кеча вафот қилди, унинг приказчиғи томонидан юборилган чопар шу хабарни Адрианга етказди. Тобутсоз чопарга ўн тийин ароқ пули бериб, наридан-бери кийинди-да, бир извош олиб, Разгуляйга жўнаб кетди. Марҳуманинг дарвозаси олдида полиция туар ва савдогарлар мурда ҳидини сезган қузғунлардек, ўёқдан-бўёққа юришар эди. Сап-сариқ мумга ўҳшаган, аммо ҳали ҳидланмаган марҳума стол устида ётарди. Унинг атрофида қариндош-уруглари, қўшнилари ва уй ичи тўпланишиб турадилар. Ҳамма деразалар очиқ эди; шамлар ёниб туради; руҳонийлар дуо ўқишаради. Адриан Трюхинанинг жияни бўлмиш олифта кийинган, ёш савдогарга яқинлашди-да, унга тобут, шам, парда ва кўмиш маросимига тегишли бошқа нарсаларининг ҳаммаси ҳозироқ тамомила мукаммал келтирилишини айтди. Меросхўр паришон ҳолда миннатдорчиллик билдириб, у билан савдолашиб ўтирмаслигини ва ҳамма хусусда унинг вижданан иш кўришига ишонганини айтди. Тобутсоз ўз одати бўйича, ортиқча олмайман деб имон келтирди; кейин приказчик билан маъноли қарашиб олди-да, ишга жўнади. Куни бўйи Разгуляйдан то Никитская дарвозасига ва Никитская дарвозасидан Разгуляйга қатиади; кечқурун ҳамма ишни саранжомлаб, из-

вошчига жавоб бериб юбориб, ўзи уйига яёв кетди. Тун ойдин эди. Тобутсоз Никитская дарвозасигача омон-эсон етиб келди. Вознесения күчаси ёнида, бизга таниш бўлган Юрко, ким у, деб бақирди ва тобутсоз эканини билиб, унга хайрли кеча тилаб қолди. Вақт хийла маҳал бўлиб қолган эди. Тобутсоз уйига яқинлашиб қолганда, бирдан унга, кимдир дарвозасига яқинлашгандай, эшигини очгандай ва ичкарига кириб гойиб бўлган дай туюлди. «Бу ким экан? — деб ўйлади Адриан. — Менда яна кимнинг иши бор экан? Еки уйимга ўғри кирдимикин? Э менинг эси паст қизларимнинг хушторлари келадиган бўлиб қолганимикин? Ишқилиб охири баҳайр бўлсин!» Тобутсоз дўсти Юркони ёрдамга чақиришни ўйлади. Лекин шу заҳотиёқ, яна бирор унинг эшигига яқинлашиди ва ичкарига кирмоқчи бўлди. Аммо югуриб келаётган хўжайнини кўриб тўхтади ва учбуручакли шияласини бошидан олди. Адрианга унинг юзи танишдай кўринди, лекин бу шошилишда уни таниш ололмади.

«Сиз меникига ташриф буюрдингизми? — деди нафаси оғзига тиқилиб Адриан. — Ичкарига марҳамат қилинг!» «Манзират қилмай қўя қол, ҳазрат, — деб жавоб берди тўнғиллаб ҳалиги одам, — олдимга туш; меҳмонларга йўл кўрсат!» Адриан манзират қилиш даражасида эмас эди. Эшик очиқ бўлиб, зинага ҳарраб юрди, ҳалиги одам эса орқасидан эргашди. Адрианга уйида одамлар юрганга ўхшаб туюлди: «Қандай балоларга йўлиқдим ўзи!» — деб ўйлади у ва ичкарига киришга шошилди... Аммо шу ондаёқ оёқлари чалишиб кетди. Уй ичи ўликлар билан тўла эди. Ой деразадан уларнинг сариқ ва кўкариб кетган юзларини, ўпирилиб тушган жағларини, хира, ярим очиқ кўзларини ва ҷўчайиб қолган бурунларини ёритарди... Адриан буларнинг ўз саъии ҳаракати билан кўмилган одамлар эканини, у билан бирга кирган меҳмон эса жала ёқсан куни дағн қилингган бригадир эканини билиб, қўрқиб кетди. Улар: марҳума аёллар билан эркаклар ҳаммаси уни — тобутсозни таъзим ва тавозелар билан ўраб олдилар, фақат яқинда бепул кўмилган битта камбагалтина, ўзининг увада хирқасидан уялиб яқинлашмас ва серрайиб бир бурчакда туради. Бошқаларнинг ҳаммаси эса яхши кийинган эди: марҳумалар қалпоқ кийган ва ленталар таққан, марҳум амалдорлар амал кийимларини кийиб келишган бўлиб, аммо соқоллари олинмаган эди, савдогарлар эса байрам кийимида әдилар. «Кўряпсанми, Прокоров, — деди бригадир, ҳамма тавфиқли улфатлар номидан, — биз ҳаммамиз сенинг таклифингга биноан ўрнимиздан қўзғалдик: қабристонда фақат ўрнидан туролмайдиганлар, тамом хок бўлганлар ва терисидан ажралиб қуруқ суюк бўлиб қолганларгина қолишиди, аммо биттасигина чида буролмади, чунки у сенинг уйингга келишни жуда истади...» Шу пайт кичкина бир скелет тўпни ёриб чиқди-да, Адрианга яқинлашди. Унинг калласи тобутсозга эркаланиб жилмайди. Оч кўк ва қизил мовут парчалари, чурук латталар, худди ходаларга илингандек унинг ҳар ер-ҳар ерида осилиб туради, оёқ

сүяклари эса, худди кели ичидағи келисопдай, узун қўнжли этик ичидаги гурсиллар эди. «Сен мени танимадинг чоғи, Прохоров,— деди скелет.— Истеъфодаги гвардия сержант Пётр Петрович Курилкин хотирингдами, ҳў, ўзинг 1799 йилда биринчи тобутингни, яъни қарагайдан қилингган тобутингни эмандан қилингган, деб сотган кишингни?» Шу сўзларни айтгач, ўлик унга қоқ сүяк қулочини очди. Аммо Адриан бутун кучини тўплаб, қичқирди ва уни итариб юборди. Пётр Петрович гандираклаб бориб йиқилиб тушди ва сочилиб кетди. Ўликлар ўртасида разаб ва норозилик садолари кўтарилди; ҳаммаси ўз ўртоқларининг обрўсини ҳимоя қилдилар ҳамда ҳақорат ва таҳдуд билан Адрианга ёпишдилар; уларнинг қичқириғидан гаранг бўлган ва эзилган бечора хўжайин, эсини йўқотиб, истеъфодаги гвардия сержантининг сүяклари устига йиқилиб, ҳушидан кетди.

Қўёш тобутсоz ётган тўшакни аллақачон ёртган эди. Ниҳоят у кўзини очди ва рўпарасида самоварни пуллаётган хизматкор хотинни кўрди. Адриан қўрқув ичидаги кечада бўлиб ўтган воқеаларни эслади. Трюхина, бригадир ва сержант Курилкин тира-шира эсига келди. У сабр-тоқат билан хизматкор хотин ўзи келиб у билан гаплашишини ва кечаги саргузаштинг оқибатини айтиб беришини кута бошлиди.

— Қандай ухладингиз, отахоним Адриан Прохорович,— деди Аксинья унга чопон узатиб.— Сизни йўқлаб қўшни тикувчи чиқди, ҳамда бугун туғилган куни шарафига зиёфат беришини хабар қилиб, шу ерлик будкачи келди, аммо сиз ухлаб ётганинг учун уйғотгимиз келмади.

— Мени сўраб, марҳума Трюхинадан ҳеч ким келмадими?
— Марҳума? Нима, у ўлиптими?

— Э, аҳмоқ! Ахир кечада унинг дағнини тайёрлашменга ёрдамлашган сен ўзинг эмасмидинг?

— Нималар деяпсиз, отахон, ёки ақлдан оздингизми ё кечаги кайфингиз ҳали ҳам тарқалгани йўқми? Кечада қанақсанги дағнини маросими бўларди? Сиз ўзингиз куни билан немисникида бўлдингиз, маст-аласт бўлиб қайтдингиз, тўшакка мукка тушдингизу шу чоқдача ухладингиз, ҳамма аллақачон тушки ибодатни адо қилиб бўлди.

— Шунақами!— деди хурсанд бўлиб тобутсоz.

— Худди шунақа!— деб жавоб берди хизматчи хотин.

— Хўп, агар шунақа бўлса, тезроқ чой бер, қизларни ча-
кир.

Коллеж регистратори
Почта бекатининг диктатори²

Князь Вяземский³

Ким бекат назоратчиларининг бошига лаънатлар ёғдирмаган, ким улар билан ўлгудек сўкишмаган? Ким ғазаби қайнаган дамларда, ўзининг жабр кўрганлиги, бу ердаги қўйполлик ва тартибсизлик ҳақидаги фойдасиз шикоятини ёзиш учун, улардан машъум дафтарни талаб этмаган? Ким уларни инсон зоти ичидаги энг ваҳшийси деб ҳисобламаган, марҳум подъячийлар⁴ билан ёки камида, Муром қароқчилари билан тенг қилмаган? Аммо одил бўлайлик, уларининг ҳақиқий аҳволини тушунишга ҳаракат қиласлилар ба эҳтимол, агар шундай қиссанак улар ҳақида аниқ риоя-андиша билан фикр юргиза бошлармиз. Бекат назоратчиининг ўзи ким? У — ўн тўртингчи синфга⁵ мансуб бир жафо-кашки, бу амал уни фақат калтак ейишлардан сақлаб турарди, у ҳам ҳаммавақт эмас (буни китобхонларимизнинг ўзи ҳам яхши билади). Князь Вяземский, назоратчиларни ҳазилкашлик билан «диктатор» деб атабдир, бу диктаторнинг вазифаси қанақа? Бу — ҳақиқий сургун азоби эмасми? Уларда на кундузи, на кечаси тинчлик бор. Сайёҳ ўзининг кўнгилсиз сафаридан йиғиб келган бутун аламини назоратчидан олади. Ҳаво ёмон, йўл узоқ, ямшик⁶ ўжар, стлар нимжон бўлса — назоратчи айбор. Сайёҳ бу назоратчининг хароб кулбасига киради ю, унга худди душмандай қарайди; назоратчи бу чақирилмаган меҳмондан тезроқ қутула олса-ку, жуда яхши; лекин стлар бўлмай қолса-чи?.. Худо сақласин!. Унинг бошига шундай сўкишлар, шундай пўписалар ёғиладики — асло қўяверинг! Емгир ёғиб турса, кўчалар шилпиллаб кетган бўлса ҳам, назоратчи ҳовлима-ҳовли югуришга мажбур; бўрон уриб, чилла совути қотириб турган бир маҳалда, у, жаҳли чиққан йўловчининг қичқириқ ва туртувларидан бир минутгина холироқ туриб дам олиш учун даҳлизига чиқади. Генерал келади; назоратчи қалти-

¹ «Бекат назоратчиси» — А. С. Пушкиннинг 1830 йил кузидаги ёзган ва кейин «Марҳум Иван Петрович Белкиннинг қиссалари» номи билан тўплам қилиб чиқарилган ҳикояларидан бири.

² Пушкин даврида темир йўл йўқ эди. Почта йўлиниң ҳар жойида бекатлар (станициялар) бўлар ва сафарга чиққанлар шу бекатларда от алмаштириб, яна йўлда давом этардилар. Бекат бошлиқлари (бекат назоратчилари) амал жиҳатидан «коллеж регистратори» унвонини олар эдилар. Бу — янг паст амал ҳисобланарди.

³ Вяземский (1792—1878) — рус шоюри ва танқидчиларида.

⁴ Подъячийлар порахўрлик билан машҳур эдилар.

⁵ У вақтдаги амалларининг ҳаммаси 14 даражага — синфга бўлганидаги. Бекат назоратчиси янг паст — (14-нчи) даражага мансуб амал ҳисобланар эди.

⁶ Ямшик — бекат кучери.

раб унга охирги икки жуфт отни ва шу билан бир қаторда хатташин учун белгиланган бир жуфт отни ҳам бериб юборади. Генерал унга раҳмат ҳам айтмасдан кетади. Беш минутдан кейин қўнғироқ овози эштилади ва фельдъегерь¹ унинг столига сафар ҳужжатларини ташлайди... Мана шуларнинг ҳаммасини яхшилаб англаб олайлик, ана шунда бизнинг юрагимиз газаб ўрнига самимий шафқат билан тўлади. Яна бир-икки оғиз сўз: мен йигирма йил сурункасига Русиянинг ҳамма жойларини айланиб чиқсанман; деярли ҳамма почта йўллари менга маълум; бир неча авлодга мансуб ямшикларни яхши биламан; мен танимаган, мен билан гаплашмаган назоратчи камдан-кам тоилиди; мен ўзимнинг бу қизиқ сафарларим ҳақидаги таассуротларим тўпламини яқин замонларда бостириб чиқармоқчиман; ҳозирча фақат шунигина айтмоқчиманки, бекат назоратчилари тоифаси тўғрисида кўпчиликка мутлақо нотўғри тасаввур берилган. Шунчалик бўғтонга учраган бу назоратчилар тоифаси умуман ювош, табиатан сертакаллуф, одам билан тез иноқ бўлиб кетадиган кишилардир. Улар обрў қозонишга ҳам кўп интилмайдилар, унчалик пулпараст ҳам эмаслар. Улар билан суҳбат қиласанг (ҳолбуки баъзи бир саёҳ афандилар улар билан суҳбатлашувни пасткашлиқ ҳисоблаб, беҳуда иш қиласдилар) кўп қизиқ ва ибратли нарсалар олиш мумкин. Менга келсак, иқрорманки, мен ҳукумат хизмати билан кетаётган қандайдир б-нчи синф амалдорининг сўзларидан кўра уларнинг суҳбатларини афзал кўраман.

Бу ҳурматли назоратчилар тоифасидан менинг ошиналарим борлигини энди фаҳмлаб олиш қийин эмас. Ҳақиқатан ҳам, булардан бирини мен ҳеч унутмайман. Бир вақтлар баъзи бир ҳодисалар у билан мени бир-бири мизга яқин қилиб қўйган ва мен ҳозир ҳурматли китобхон билан худди ўша киши тўғрисида суҳбатлашмоқчиман.

1816 йили май ойида менга *** губернасидан, ҳозир йўқ бўлиб кетган бир йўлдан ўтишга тўғри келди. Менинг амалим паст эди, подшоликнинг аравасида, тайинланган баҳо билан бир жуфт отга ҳақ тўлаб сафар қилмоқда эдим. Шунинг учун ҳам назоратчилар мен билан бетакаллуф муносабатда эдилар ва мен ўз ҳукуқимга биноан менга берилиши лозим бўлган нарсаларни ҳам кўпинча жанжаллашиб олардим. Ёш ва сержаҳл бўлганим учун, назоратчи менга тайёрланган отларни амалдор бир бариннинг коляскасига қўшиб бериб юборар экан, мен назоратчининг бу пасткашлигидан ва юраксизлигидан газабланар эдим. Шунингдек, губернаторницида тушлик қилганимизда, кимнинг нима эканини фаҳмлайдиган хизматчи ҳаммадан кейин менинг олдимга овқат қўяр эди, бунига ҳам анчагача кўни-колмай юрганман. Энди эса менга у ҳам, бу ҳам тўғри кўрина-

¹ Фельдъегерь — ҳарбий хатларни ташувчи. Почта ва ҳарбий ҳужжатларни ташиши учун белгиланган отларнинг бошқа ишларга жўнатилиши қагъий ман этилган эди.

ди. Ҳақиқатан ҳам, амалига қараб ҳурмат қил, деган ҳаммабол қоида ўрнига бошқа бир қоида масалан: ақлига қараб ҳурмат қил, деган қоида киритилса, нималар бўлмас эди! Қандай тортишувлар, баҳслашувлар туғилмас эди! Ва хизматчилар овқатни дастлаб кимнинг олдига қўяр әдилар? Хайр, ўз қиссамга қайтай.

Кун иссиқ әди. *** бекатидан уч чақирим ўтганда томчилай бошлиган ёмғир сал ўтмай селга айланиб, мени жиққа ҳўл қилиб юборди. Бекатга келгач, биринчи ташвишим — тезроқ бошқа кийим кийиб олиш, иккинчиси — ўзимга чой сўраш бўлди. «Ҳой, Дуня! — деб қичқирди назоратчи.— Самоварни қўйиб юбор ва бориб қаймоқ олиб кел». Шу сўзлардан кейин, тўсиқ орқасидан ўн тўрт ёшлардаги бир қиз чиқди-да, даҳлизга қараб чопиб кетди. Унинг гўзаллиги мени ҳайратда қолдирди. Мен назоратчидан: «Бу сенинг қизингми?»— деб сўрадим. «Ҳа, қизим,— деб жавоб берди у мамнунлик билан,— яна шундай ақлли, яна шундай эпчилки, худди марҳума онасининг ўзгинаси». Шундан кейин у менинг йўл ҳужжатимни дафтарга кўчира бошлади, мен эса унинг ҳашаматсиз, лекин покиза кулбасини безаб турган суратларни томоша қилдим. Бу суратларда дарбадар ўғилнинг тарихи тасвирланар эди: биринчи суратда — қалпоқ ва шлафорка¹ кийган нуроний мўйсафид шўх бир ўспиринни сафарга жўнатмоқда, ўспирин шошилиб унинг дуосини ва халтадаги пулни олмоқда. Бошқасида — йигитнинг бузукликлари равшан тасвирлаб берилган: у стол олдида безори дўстлар ва уятсиз хотинлар даврасида ўтирап эди. Ундан кейин, бор-йўғини кўкка совурган бу ўспирин, жанда ва қалпоқ кийиб олиб, чўчқа боқиб, овқатини улар билан бирга баҳам кўриб юрарди; унинг юзида қаттиқ гам ва ўқинч аломатлари тасвир этилганди. Пировардида — унинг отаси олдига қайтиши кўрсатилган; меҳрибон чол ўша қалпоқ ва шлафоркани кийиб, унинг қаршисига югуриб чиқади: дарбадар ўғил унинг оёғига тиз чўкиб йиқилади; орқароқда бир ошпаз семиз бир бузоқни сўймоқда ва боланинг акаси хизматкордан бундай шодликнинг сабабини сўрамоқда. Мен ҳар бир сурат остига дурустгина қилиб ёзилган немисча шеърларни ўқидим. Гул экилган тувакча, ола пардали каравот ва ўша вақтда менинг атрофимни ўраб олган турли хил бошқа нарсалар — ҳаммаси ҳануз менинг эсимдан чиқмаган. Узи эллик ёшларга борган, соглом ва бақувват, айниб кетган ленталарига учта медаль осиб, олдига узун кўк пешгир тутиб олган хўжайнин худди ҳозиргидек кўз олдимда туради.

Мен эски ямшигимга ҳақ тўлаб бўлмасимданоқ, Дуня самовар кўтариб қайтиб кириб қолди. Бу кичкина нозанин ўзининг менда қандай таъсир қолдирганини иккинчи қарашимданоқ сезиб олди; у катта-катта мовий кўзларини мендан узиб, ерга

¹ Шлафорка — уйда кийиладиган кийим.

қаради; мен у билан гаплаша кетдим, у менга худди күпнің күрган қызлардек, ҳеч тортынмасдан жавоб қайттарар эди. Мен унинг отасига бир стакан пунш¹ таклиф этдим; Дуняга эса бир пиёла чой узатдим ва биз гүё эски қадрдан танишлардек сұхбатлаша кетдик.

Арава аллақачаңоқ құшилған эди, мен эса ҳануз назоратчи билан унинг қызынан ажралишни истамасдым. Охири мен улар билан хайрлашдим; отаси менга оқтап тилаб қолди, қызы эса аравагача кузатиб чиқди. Мен даҳлизда тұхтадим-да, ундан бир үпешігі рухсат сұрадым: Дуня күнди... Күп бўсалар олган эдим мен,

Бу йўлларга киргаңдан буен.

Аммо уларнинг ҳеч қайси бири менда шунчалик узоқ, шунчалик ёқимли хотира қолдирмаган эди.

Орадан бир неча йил ўтди, лекин бир ҳодиса юз беріб, мен яна худди ўша йўл, худди ўша жойларга бориб қолдим. Кекса назоратчининг қизи эсимга тушди ва мен унга тағин кўрар эканман-да, деб сезиниб кетдим. Аммо эски назоратчи ўрнига, эҳтимол, аллақачон бошқаси қўйилгандир; эҳтимол, Дуня эрга чиқиб кетгандир; шунингдек, эҳтимол, ё униси, ёки буниси ўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин, деган фикр ҳам келди менинг бошимга ва мен *** бекатига яқинлашар эканман, юрагимни гашлик босди.

Отлар почтахона олдига келиб тұхтади. Уйга киргач, мен дарров дарбадар ўғил тарихини тасвирлаган суратларни кўриб танидим, стол билан каравот аввалги жойларида турипти; лекин деразаларга ўрнатилған гултуваклар энди йўқ эди ва атрофдаги ҳамма нарсалар тўзиб, чанг босиб ётарди. Назоратчи пўстинига бурканиб ухлаб ётарди, сўнг у менинг келганимни билиб уйғонди ва ёнбошлиб ётди... Бу ўша Самсон Вириннинг худди ўзи эди; лекин шунчалик қарид кетиптики!.. У менинг йўл ҳужжатимни дафтариға кўчиргунча, мен унинг оқарған соchlарига, кўпдан бери соқоли қирилмаган юзига, юзидаги ажинларига, букчайиб қолған белига қараб турдим-да, бу бақувват эркакнинг уч-тўрт йил ичидаги бу қадар бедармоп чолга айланиб кетганини ҳайратда қолдим. «Мени танидингми? — деб сўрадим мен ундан.— Биз сен билан эски танишлармиз». «Эҳтимол,— деб жавоб қилди у тумшайған ҳолда,— бу ер шундай катта йўл ёқаси; жуда кўп йўловчилар қўниб ўтган меникига». «Қизинг Дуня саломатми?» — деб давом этдим. Чол қовоғини солиб: «Худо билади», — деб жавоб берди. «Демак, эрга тегиб кетипти да?» — десдим. Чол ўзини менинг саволимни эшитмаганликка солди ва шивирлаб йўл ҳужжатимни ўқийверди. Мен саволларимни тўхтатдим ва чой қўйишини буюрдим. Мени қизиқиши безовта

¹ Пунш — бир хил ичкилик.

қила бошлади ва мен бу эски танишимнинг тилини пунш очар деб умид қилдим.

Адашмаган эканман: ичкилик таклиф қилсам, чол йўқ демади. Мен ичкилик унинг чиройини оча бошлаганини сөздим. Иккинчи стакани ичгандан кейин у сергап бўлиб қолди; мени эслади ёки худди эслагандек кўринмоқчи бўлди ва мен ундан бир вақтлар менга шу қадар қаттиқ таъсир этган ва бутун хаёлимни чулғаб олган шу қиссани эшийтдим.

«Демак, сиз менинг Дуняни танир экансиз-да? — деб бошлади у.— Кимлар, уни танимас эди? Эй, Дуна, Дуня... Қандай қиз эди-я! Ким ўтса ҳам уни мақтаб кетарди, ҳеч ким ёмон демас эди. Баринлардан бири унга рўмолча тақдим этса, бири исирга тақдим этиб кетарди. Йўловчи афандилар, худди тушни ёки кечки овқат емоқчидек бўлиб, атайин тўхтар эдилар, аслини сўрасанг — фақат уни узоқроқ томоша қилиш мақсадида шундай қиласардилар. Қандай сержаҳл барин бўлмасин, уни кўриши биланоқ ҳовуридан тушиб қолар ва мен билан жуда мулоим гаплашиб кетарди. Ишонасизми, афандим: куръерлар, фельдъегерлар у билан ярим соатлаб гаплашиб туришар эди. Бутун уйни ўз қўлида тутарди: йигиштиришми, овқат тайёрлашми — ҳаммасини қилишга улгуар эди. Мен қари тентак бўлсам, унга қараб тўймас, севинчим ичимга сифмас эдим; мен Дуняни шундай яхши кўрар, шундай ардоқлаб тарбия қиласар, унинг айтганини қилиб беришга шундай тиришар эдимки!.. Аммо тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан; пешонада ёзишгани бўлар экан».

Шундан кейин у менга ўз бошига тушган кулфатни батафсил ҳикоя қилиб берди.

Уч йил аввал, бир куни қиши кечаси, назоратчи янги дафтарга чизиқлар тортаётган, қизи эса тўсиқ орқасида ўтириб ўзига кўйлак тикаётган бир пайтда, уч отлиқ арава етиб келади ва черкас теплакли, ҳарбий шинель кийган, бўйнига жун бўйинбог ўраб олган йўловчи от талаб қилиб уйга киради. Отлар ҳаммаси ҳарқаёққа жўнатилган бўлади. Буни эшиктган сайёҳ, жаҳҳл билан қичқириб, қамчи ўйната бошлади, аммо бундай ҳодисаларга кўнишиб қолган Дуня тўсиқ орқасидан югуриб чиқади ва йўловчига мулоимлик билан: «Бирор нарса еб олгингиз келмаяптими?» — деб савол беради. Дунянинг пайдо бўлиши ўзининг одатдаги таъсирини кўрсатади. Йўловчи жаҳҳлдан тушади; отни кутишга кўниб, ўзига таом буюради. Ҳўл, сержун теплагини олиб, бўйинбогини бўйнидан ёзиб тушириб, шинелини ечиб ташлагач, йўловчининг қора мўйловли, ёш, қадди-қомати келишган гусар¹ экани маълум бўлади. Гусар назоратчининг олдига ўтириб, қизи иккаласи билан хушчақчақ гаплашиб кетади. Овқат келтирилади. Шу орада отлар келиб қолади ва назоратчи: отларга ем бермасданоқ шу замон йўловчининг ки-

¹ Гусар — отлиқ аскарда хизмат қилувчи офицер.

биткасига¹ қүшилсін, деб буйруқ беради. Сүңг назоратчи қайтиб уйга кирған пайтда йигит ҳушидан кетіб, тахта устида үзини билмасдан ётган бұлади; унинг тоби қочиб, боши қаттық оғрий бошлапти, жұнаб кетишнинг иложи бўлмапти... Нима қилиш керак!.. Назоратчи унга ўз каравотини берибди ва эртага касалнинг ҳоли яхшиланмаса, С *** га одам юбориб, табиб келтирадиган бўлибди.

Эртасига гусарнинг аҳволи янада ёмонлашади. Унинг одами табиб ахтариб, отда шаҳарга жўнайди. Дуня рўмолчани сиркага ивитиб, гусарнинг бошини боғлаб қўяди ва унинг каравоти олдида ишини тикиб ўтиради. Назоратчи уйдалигида гусар доим уҳ тортар ва ҳеч гапирмас экан, лекин шундай бўлса-да, икки пиёла кофе ичиб олади ва оҳ-воҳ деб туриб, ўзига овқат буюради. Дуня доим унинг ёнида бўлади. У ҳар дам сув сўрар ва Дуня ўзи тайёрлаган лимонаддан кружкада келтириб бериб тураркан. Касал эса лабларини ҳўллаб олар ва кружкани қайтариб бераётисиб, ҳар гал, ўз миннатдорлигини билдиримоқчи бўлиб, үзининг кучсиз қўллари билан Дунянинг қўлларини сиқар экан. Туш маҳалига яқин табиб етиб келибди. У касалнинг томирини ушлаб кўрибди ва у билан немисчалаб гаплашиб олиб, сўнг русчалаб: касалга тинч ётишдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, икки-уч кундан кейин у йўлга чиқса бўлади, деб айтибди. Гусар табибга йигирма беш сўм берибди; овқат қилиб олишга таклиф этибди; табиб кўнибди; иккаласи ҳам иштаҳа билан овқат ейишибди, бир бутилка винони ичиб тугатишибди ва бир-бираидан жуда рози бўлиб хайрлашибдилар.

Орадан яна бир кун ўтгач, гусар бутунлай соғайиб кетибди. У жуда хурсанд бўлиб, гоҳ Дуня билан, гоҳ назоратчи билан тўхтовсиз ҳазиллашар, ҳуштак чалар, ўтиб бораётган йўловчилар билан гаплашар, уларнинг йўл ҳужжатларини почта дафтарига кўчирар экан. Назоратчи уни шундай яхши кўриб қолибдики, учинчи кун эрталаб у үзининг ёқимли мәҳмонидан ажralаётганига ачинибди. Якшанба куни бўлиб, Дуня кундузги ибодатга бормоқчи бўлиб турган экан. Гусарнинг кибиткаси тайёрлаб келтирибдилар. У назоратчи билан хайрлашибди, назоратчиникда тургани ва овқатлари учун очиққўллик билан катта пул берибди; Дуня билан ҳам хайрлашибди ва уни черковгача элтиб қўймоқчи бўлибди. Бутхона қишлоқнинг нариги чеккасида экан. Дуня нима дейишини билмай, туриб қолибди. «...Нимадан қўрқасан,— дебди отаси унга,— жаноби ҳазратлари бўри эмаски, сени еб қўйсалар; араваларига тушиб черковгача бориб ол». Дуня аравада гусарнинг ёнига ўтирибди, хизматчи иргиб ямшикнинг олдига ўтибди. Ямшик ҳуштак чалибди ва отлар чопиб кетибди.

Бечора назоратчи қандай қилиб үзининг Дунясига гусар билан бирга боришга рухсат берганини, қандай бўлиб кўлларча

¹ Қибитка — ўша замонда одам ташийдиган бир хил арава.

иш қилганини ва шунда ақли-ұшы қаерда эканини тушуна олмасди. Кейин орадан ярим соат ҳам үтмай, юраги ғаш бұлиб, шунчалик безовта бұла бошлабди ва чидолмай, үзи күндүзги ибодатга жұнабди. У бутхонага яқынлашганда халқ аллақачон тарқалиб кетганини күрибди, аммо на черков атрофида, на унинг эшиги олдida Дуняси бор әди. У шошилиб бутхонага кирибди: поп мәхрабдан чиқиб келаётган, дъячок шамларни ўчираётган, иккита кампир ҳали ҳам бурчакда ибодат қилаётган бўлиб, аммо Дуня черковда йўқ экан. Бечора ота дъячокдан: «Қизим ибодатда бўлдими?»—деб зўрга нафасини ростлаб сўрабди. Дъячок, ибодатда қизинг бўлмади, деб жавоб қилибди. Назоратчи уйига тинкаси қуриб, қайтиб келибди... Унда биргини умид қолибди: бундан кейинги бекатда Дуняниг доя онахони турап экан, эҳтимол Дуня ёшлик, енгилтаклик қилиб ўша бекатгача аравада сайр қилиб бормоқчи бўлгандир. У Дуня кетган аравага қўшилган отларнинг қайтишини азобли бир ҳаяжон билан кутибди. Ямшик ҳадегапда қайтавермабди. Ниҳоят, у, кечаси ёлғиз ўзи маст-аласт ҳолда: «Дуня гусар билан бирга жўнаб кетди»,— деган ўлимдек даҳшатли хабарни олиб келибди.

Чол ўз баҳтсизлигига чидай олмабди; у шу заҳотиёқ кеча ёш алдамчи ётган каравотга чўзилибди. Назоратчи энди ҳамма воқеаларни ўйлаб, унинг ёлғондан касал бўлиб қолганини пайқабди. Бечорани қаттиқ иситма тутибди; уни С *** га олиб борибдилар ва ўрнига вақтинча бошқа бир кишини тайинлабдилар. Уни гусар олдига келган табибининг худди ўзи боқибди. У назоратчига йўловчининг тамом соғ бўлганини, ўша вақтдаёқ у йигитнинг ёмон ниятини пайқаганини, аммо қамчисидан қўрқиб индамаганини айтибди. Немис рост гапирганми, ёки фақат ўзининг зийраклиги билан мақтамоқчи бўлганми, аммо унинг бу сўзлари бечора касални сира ҳам овунтиrolмабди. Назоратчи касали сал тузалиши биланоқ С *** шаҳрининг почтмайстеридан¹ отплуска сўрабди ва ўз нияти ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан пиёда қизини ахтариб кетибди. Йўлланмадан у ротмистр² Минскийнинг Смоленскдан Петербургга кетганини билиб олибди. Уни олиб кетган ямшикнинг сўзига қараганда, Дуня ўзи хоҳлаб кетган бўлса керак: лекин шундай бўлса ҳам бутун йўл бўйи йиглаб борган. «Адашиб кетган қўзичоққинамни бир худо ёрлақаб уйимга олиб келсам кошки»,—деб ўйлабди назоратчи. Шу фикр билан у Петербургга етиб келибди: Измайлоский полкидаги истеъфога чиқсан унтер-офицерникіда тўхтабди (назоратчи билан у бир вақтлар армияда бирга хизмаг қўшилган экан) ва қизини ахтара бошлабди. Қўп үтмай, у ротмистр Минскийнинг Петербургдаги Демутов трактирида туришини билиб олибди. Назоратчи унинг олдига бормоқчи бўлибди.

Назоратчи жуда әрта туриб гусарникига келибди ва жаноби олийларига, бир кекса солдат сиз билан кўришмоқчи, деб бил-

¹ Почтмайстер — почталар бошлиги.

² Ротмистр — отлиқ қўшинда эскадрон бошлиги.

лиришларини сурабди. Ҳарбий малай, шонга қоқылган этикни ёрлаб туриб: барин ухляяптилар, соат ўн бир бўлмасдан туриб, ҳеч кимни қабуя этмайдилар, дебди. Назоратчи кетиб, тайнингланган вақтда қайтиб келибди. Ҳалат билан қизил скуфье¹ кийгани Минский унинг олдига чиқибди. «Хўш, оғайни, нима иш билан келдинг?»— деб сўрабди ундан. Чолнинг юраги ўйнаб, қўзларига ёш келибди ва қалтироқ овоз билан фақат: «Жаноби олийлари... бир илоҳий шафқат кўрсатинг»,— дед олибди, холос. Минский ялт этиб унга қараб, жаҳли чиқибди ва уни қўлидан ушлаб кабинетига олиб кирибди-да, эшикни ичидан беркитибди. «Жаноби олийлари!— деб давом этибди чол.— Ўтган ишга салавот; ҳеч бўлмаса менга бечора Дуняни қайтариб беринг. У билан хўп ўйнаб-кулиб олдингиз-ку, энди уни беҳуда нобуд қилманг». «Бўлар иш бўлди,— дебди жуда гангиб қолган йигит,— сенинг олдингда гуноҳкорман ва сендан афв сўраш имкониятига эга бўлганимга хурсандман; лекин мени Дунядан ажралади деб ўйлама: у баҳтли бўлади, сенга вижданан айтаман. Сен уни нима қиласан? У мени яхши кўради; у ўзининг асвалги ҳаётини унутиб юборган. На сен, на у — ҳеч бирингиз, бу ўтган ишларни унутмаяжаксиз». Кейин у назоратчининг енгига нимадир қистирибди-да, эшикни очиби ва назоратчи ўзининг қандай қилиб кўчага чиқиб қолганини ўзи ҳам сезмабди.

У узоқ серрайиб турибди, охири, енгининг қайтармасида бир ўрам қоғозни кўрибди; уни суғуриб чиқариби ва ёйиб қараса: гижимланган бир неча беш сўмлик билан ўн сўмлик экан. Унинг кўзлари яна ёшга, газаб ёшларига тўлибди! Чол пулларни қаттиқ гижимлабди-да, ерга ташлабди, товоnlари билан эзибди, сўнг ўзи келган йўлига қараб жўнабди... Бир неча қадам нари кетгандан кейин, тўхтаб, ўйланиброқ қолибди... ва орқасига қайтибди... Аммо пуллар энди йўқ экан. Яхши кийинган ва уни кўриб турган бир йигит извошчининг олдига югуриб бориб, извошга шошилиб ўтирибди-да: «Ҳайда!»— деб қичқирибди. Назоратчи унинг орқасидан қувмабди ҳам. У ўз ўйига, бекатга қайтишга қарор берибди, аммо аввал бир марта бўлса ҳам бечора Дунясини кўриб қолмоқчи бўлибди. Шу ниятда у, икки кунча ўтгандан кейин, яна Минскийнига қайтиб келибди; аммо ҳарбий малай, барин ҳеч кимни қабул этмайдилар, деб дағал жавоб қилибди ва кўкраги билан уни уйдан итариб чиқариб, эшикни гурсиллатиб ёпиб олибди. Назоратчи турибтуриб, қайтиб кетибди.

Худди шу куни кечқурун у, Все Скребяшие черковида ибодат қилиб бўлиб, Литейная кўчасидан борар экан, бирдан унинг олдидан жуда башанг бир дрожки² гизиллаб ўтиб кетибди ва

¹ Скуфье ва ҳалат — уй ичидаги кийиладиган кийим.

² Дрожки — Фонусли арава.

назоратчи Минскийни таниб қолибди. Дрожки уч қаватли уй-нинг эшиклари олдига бориб тўхтабди ва гусар зинапоядаз югуриб ичкари кириб кетибди. Назоратчининг хаёлига лип этиб жуда маъқул бир фикр келибди. У орқасига қайтибди-да, кучер билан тенглашиб олгандан кейин: «Оғайни, бу кимнинг оти, Минскийники эмасми?»— деб сўрабди. «Худди шундай,— деб жавоб бериди кучер,— нима ишинг бор эди?» «Нима ишимми: сенинг хўжайининг ўзининг Дуяясига бир хатни олиб бориб беришмни буюрган эди, мен бўлсанм Дуня турган жойни эсимдан чиқариб қўйибман». «Мана шу ерда, иккинчи қаватда туришади. Сен, оғайни, хатни келтиришга кечикиб қолибсан; ҳозир хўжайининг ўзи унинг олдида ўтирипти». «Ҳеч боқиси йўқ,— деб сўз қайтарибди назоратчи, юраги алланимадандир жуда безовта бўлиб,— кўрсатиб қўйганинг учун раҳмат, мен ўз ишимни бажараман». У шу сўзларни айтиб, зинапоядан кўтарила бошлабди.

Эшиклар қулф экан; у қўнгироқни бурайди, бир неча дақиқани жуда оғир кутувда ўтказади. Қалит дагал овоз чиқаради. Эшикни очадилар. «Авдотья Самсоновна шу ерда турадиларми?»— деб сўрайди у. «Шу ерда,— деб жавоб беради ёш хизматкор хотин,— нима ишингиз бор эди унда?» Назоратчи жавоб қайтармай, тўғри залга кириб бораверибди. «Мумкин эмас, мумкин эмас!— деб қичқирибди хизматчи.— Авдотья Самсоновнанинг олдида меҳмонлари бор». Аммо назоратчи қулоқ солмай, ичкари қараб кириб кетаверибди. Аввалги икки бўлма қоронги бўлиб, учинчисида эса чироқ ёқилган экан. У очиқ эшик олдига бориб тўхтабди. Яхши жиҳозланган бу бўлмада Минский ўйчан ўтиаркан. Модадаги барча безаклар билан бе-занган Дуня, худди ўз инглиз эгарига миниб олган чавандоздек, гусар ўтирган ўриндиқнинг ён суюнчирига ўтириб олганмиш. У Минскийга эркалик билан боқиб, унинг жингалак соchlарини ўзининг ялтироқ бармоқларига ўрамоқда экан. Бечора назоратчи! Ҳеч қачон қизи унга бу қадар гўзал кўринмаган эди; у қизига беихтиёр тикилиб қолибди. «Ким у?»— деб сўрабди қизи бошини кўтармасдан. У ҳануз чурқ этмай тураверибди. Жавоб олмаган Дуня бошини кўтарди-ю: «Оҳ!»— деб гиламга йиқилибди. Чўчиб кетган Минский дарров энгашиб, Дуняни кўтармоқчи бўлибди ва бирдан эшик олдида турган қари назоратчи-га кўзи тушибди. У Дуняни жойида қолдирибди-да, газабдан қалтироқ босган ҳолда, унинг олдига келибди. «Сенга нима кепрак?— дебди у тишларини гижирлатиб.— Нега сен қаерга борсан орқамдан қароқчига ўхшаб биқиниб юрасан? Еки мени сўймоқчимисан? Йўқол!»— дебди-да, кучли қўллари билан чолни бўғизидан бўғиб, зинапояга итариб юборибди.

Чол уйига қайтибди. Дўсти унга шикоят қилишни маслаҳат кўрибди; лекин назоратчи ўйлаб-ўйлаб, қўл силтабди-да, нима бўлса шу бўлар, деб қўйиб беришга қарор қилибди. Икки кун-

дан кейин у Петербургдан ўз бекатига қайтиб кетиби ва келиб ўз вазифасига киришибди.

«Мана энди уч йилдан бери Дунясиз кун кўрляпман,— деб сўзига якун ясади назоратчи,— Дуняниг доми дараги йўқ. Улкими, тирикми — худо билади. Бундай ҳодисалар кўп бўлади. Бу ўткинчи саёклар фақат менинг қизимнигина эмас, балки қанчадан-қанча бошқа қизларни ҳам йўлдан оздирган ва озиди ради ҳам, сўнг бир оз тутиб туришади-да, ташлаб юборишади. Бугун атласу барқутларга кўмилиб юриб, эртасига қарасанг — майхона ялангоёқлари билан бирга кўча супурадиган ёш тентаклар Петербургда оз эмас. Баъзан, Дуня ҳам эҳтимол шулар ичиди хароб бўлиб юргандир, деган фикр хаёлинга келганда, унинг ўлимини тилашдек гуноҳдан ҳам тоймайсан киши...»

Менинг эски назоратчи дўстимнинг ҳикояси ана шу бўлди. У ҳикоя қиласу экан, бир неча марта йиглаб, худди Дмитриевнинг¹ гўзал балладасидаги тиришқоқ Терентьевичдек, этаги билан кўз ёшлиарини келишириб артиб ҳам турди. Бу кўз ёшлиарининг қуиилишига пунш ҳам қисман сабаб бўлди, чунки у ўз қисссасининг давомида беш стакан пунш отиб олган эди; аммо шундай бўлса ҳам, унинг бу кўз ёшлиари менинг қалбимга қаттиқ таъсир этди. Мен у билан ажралишиб кетганимдан кейин ҳам анча маҳалгача кекса назоратчини унотолмай, бечора Дуняни ўйлаб юрдим.

Мен яқиндагина яна шу *** деган жойдан ўтиб кетаётib, дўстим эсимга тушди; суриштириб билдимки, у бошлиқ бўлган бекат йўқ қилингти. «Кекса назоратчи тирикми?» — деган саволимга ҳеч ким аниқроқ жавоб беролмади. Мен таниш жойларга бориб келишга қарор бердим, кирага отлар олдим ва Н. қишлоғига жўнадим.

Куз чоги эди. Осмонни кулранг булатлар босганди; ҳосили йигиб олинган яйдоқ далалар томондан келаётган совуқ шамол ўз йўлидаги дараҳтларнинг қизил ва сариқ баргларини супуриб кетмоқда эди. Мен кун ботай деганда қишлоққа етиб, почтакона олдида тўхтадим. Даҳлизга (худди шу даҳлизда мени бир вақтлар бечора Дуня ўпган эди) семиз бир хотин чиқди ва у менинг берган саволларимга кекса назоратчи бундан бир йилча аввал ўлди, унинг уйига пивочи кўчиб кирди, мен ўша пивочининг хотини бўламан, деган мазмунда жавоб берди. Мен бу ерга келганимга ва етти сўмни бекор сарф этганимга ачиндим. «Нима бўлиб ўлди?» — деб сўрадим пивочининг хотинидан. «Ичкиликдан ўлди, тақсир», — деди у. «Уни қаерга дафи этдилар?» «Қишлоқ дарвозасининг нариги ёғига, марҳума хотинининг ёнига». «Мени унинг қабри олдига обориб қўёлмайсизми?» «Нега обориб қўёлмайлик. Ҳой, Ванька! Мушук ўйнашни бас қил энди! Баринни қабристонга олиб бориб, назоратчининг қабрини кўрсатиб қўй».

¹ Дмитриев (1760—1837) — Пушкин замонасидағи шоир.

Хотиннинг шу сўзларидан кейин жулдур кийимли, сариқ ва гилай бир бола олдимга югуриб чиқди ва мени қишлоқ дарвозасидан нарига олиб кетди.

— Марҳум бекат назоратчисини сен танирмидинг? — деб сўрадим мен ундан йўлда.

— Нега танимай! У менга тол чивиқдан ҳуштак қилишни ўргатиб қўйган. Худо раҳмат қилгур, майхонадан келаётганида биз орқасидан: «Бува, бува!.. Ёнғоқ!» — деб югурадик. У бўлса ҳаммамизга ёнғоқ берарди. Доим биз билан бирга эди.

— Йўловчилар уни эслашадими?

— Сафарчилар эндиликда озайиб қолган, гоҳида маслаҳатчи ўтиб қолади, унинг ҳам ўлганлар билан иши йўқ. Шу ёзда бир бариня¹ ўтиб қолувди, назоратчи чолни ўша хотин суриштирди, ундан кейин, унинг гўрига борди.

— Қандай бариня экан? — деб сўрадим мен ундан қизиқиб.

— Жуда яхши бариня, — деб жавоб берди бола, — ўзи олти отлиқ каретада² келди, ёнида учта боласи, битта энагаси, эргаштириб олган битта итлари ҳам бор эди. У назоратчи чолнинг ўлганини эшитиши билан йиглаб юборди ва болаларига: «Қимиirlамай ўтиргилар, мен гўристонга бориб келаман», — деди. Мен уни олиб бориб қўймоқчи бўлдим. Бариня: «Йўлни ўзим ҳам биламан», — деб айтди. Ундан кейин, менга бир мири кумуш танга берди, шунақа яхши бариня экан у!..

Биз қабристонга — ҳар томони очиқ, ёғоч бутлар билан тўлган, бирорта ҳам дарахти йўқ яйдоқ жойга келдик. Кишининг кўнглига бунчалик гашлик соладиган гўристонни мен умримда ҳеч қачон кўрмаган эдим.

— Мана назоратчи чолнинг гўри, — деди менга бола, ўртасига қора бут санчиб қўйилган бир уюм қум устига чиқиб. Бутга мисдан қилинган образ³ қоқилган эди.

— Бариня ҳам шу ерга келганими? — деб сўрадим мен боладан.

— Келган эди, — деб жавоб қайтарди Ванька, — мен уни узоқдан томоша қилиб турдим. У шу ерга ётди-да, анчагача турмади, ундан кейин, бариня қишлоқца борди, попни чақирди, унга пул берди, кейин жўнаб кетди, менга бўлса бир мирилик танга берди, шунақа яхши бариня экан у.

Мен ҳам болага бир мири танга бердим ва ўзим, бу ерга келганимга ҳам, бекорга етти сўм сарф этганимга ҳам ачинмадим.

¹ Бариня — бой хотин.

² Карета — ҳар тарафи ўралган, извошга ўхшаш арава.

³ Образ — бутга қоқилган Исо қиёфаси.

Хар қандай кийимда ҳам Душенька, яхшисан сен,
Богданович¹

Узоқ губерналаримизнинг бирида Иван Петрович Берестов-
нинг мулки бор эди. У йигитлик чоғида гвардияда хизмат кил-
ган, 1797 йилнинг бошида истеъфога чиқиб, ўз қишлоғига қайт-
ган ва ўшандан бери у ердан чиқмаган эди. У фақир биэ дворян
қизига уйланган бўлиб, овда юрган вақтида хотини туғиб ўлган
эди. Хўжалик ишлари билан машғул бўлиш унга тезда тасалли
берди. У ўз режаси билан уй солдирди, ўз ерида мовут фабрика-
сиг қурди, даромадни уч баравар ошири ва ўзини шу атрофдаги
энг ақлли киши деб ҳисоблай бошлади. Йиларини эргаштириб,
ӯз оиласи билан меҳмон бўлиб келадиган қўшнилари ҳам буни-
га эътиroz билдири мас эдилар. Иш кунларида у чий баҳмал кам-
зул, байрамларда эса, уйда тўқилган мовут сюртуқ кийиб юрар-
ди; харажатларини дафтарга ўзи ёшиб қўяр ва «Сенатские ве-
домости»дан² бўлак ҳеч нарсани ўқимас эди. Гарчи уни димог-
дор одам ҳисобласалар ҳам, умуман яхши кўрардилар. Ёлриз
энг яқин қўшниси Григорий Иванович Муромскийгина у билан
чиқиша олмасди. Бу киши асл рус барини бўлиб, мулкининг кўп
қисмини Москвада совуриб битирган ва бунинг устига ўша вақт-
ларда хотини ўлиб, сўнг ўзининг сўнгги мулкига — қишлоғига
келган. Аммо бу ерда маишатбозлигини янги шаклда давом эт-
тира бошлаган эди. Шу таҳлит у инглизча боф барпо қилди ва
қолган бутун даромадларини деярли шунга сарф этди. Унинг
отбоқарлари инглиз чавандозлари каби кийинтирилган эди. Қи-
зининг ҳам инглиз мураббияси бор эди. Ерларини инглиз усули-
да эктиради.

Аммо, ўзга йўсинда рус дони етишмайди³.

Бинобарин, харажатининг анча озайишига қарамасдан, Гри-
горий Ивановичнинг даромади кўпаймас эди; у қишлоқда ҳам
ингидан-яниги қарзларга ботиб бораради; булар устига яна у ақл-
ли киши ҳисобланарди. Чунки у ўз вилоятидаги помешчиклар
срасида биринчи бўлиб мулкини Опекун маҳкамаси⁴ га гаровга

¹ Е. Ф. Богданович (1743—1803) — шоир; ўз вақтида машҳур бўлган «Душенька» номли ҳажвий достон муаллифи. Эпиграф ўша достондан олингани.

² «Сенатские ведомости» — ҳукумат фармонларини нашр қиладиган ҳаф-
талик жадвал.

³ Пушкин замондоши, драматург А. А. Шаховский (1777 — 1846) сатира-
сидан бир оз ўзгартилган сатр.

⁴ Опекун маҳкамаси — тарбия уйлари ва уларнинг қарз ишларини ҳам-
да гаровга қўйилган мулк ва крепостной деҳқонларнинг қарзларини бошқа-
радиган идора.

қўйишини ўйлаб топған киши эди. Зотан у вақтда бундай иш ҳаддан ташқари мураккаб бўлиб, катта жасорат талаб қиласади. Уни ёмонлаб юрадиган кишилар орасида энг кўп гийбат қиласадигани Берестов эди. Янгиликларни ёмон кўриш унинг феъли авторидаги айрим бир хусусият эди. У қўшнисининг инглизпарастлиги тўғрисида бепарво гапиролмас ва ҳар онда уни таңқид қилиб туради. У меҳмонларига ўз мулкини кўрсатиб юрар экан, хўжаликни бошқаришдаги фармойишларини мақтаб айтилган сўзларга жавобан мугамбирлик билан жилмайиб: «Шундай! Менинг ишларим қўшнимиз Григорий Ивановичнига ҳечам ўхшамайди. Чунки биз инглизчасига хонавайрон бўлолмаймиз! Бизга русчасига тўқ бўлсан ҳам бас!»— деб қўярди. Бу ва шунга ўхшаган ҳазиллар қўшинларнинг саъии ҳаракатлари соясида, қўшимча изоҳотлар билан Григорий Ивановичнинг ахбороте: ҳам етказилиб туриларди. Инглизпараст Григорий Иванович бўлса, бизнинг журналистлар каби таңқидга чидай олмас эди. У қаттиқ аччиғланар ва ўзининг туҳматчи қўшнисини айиқ ва қишлоқи деб атарди.

Берестовнинг ўғли қишлоққа келгунга қадар бу икки мулодорнинг муносабатлари ана шундай эди. У *** университетига таҳсил кўрган бўлиб, ҳарбий хизматга кириш ниятида эди, лекин отаси бунга розилик бермасди. Файри ҳарбий хизматга эса у ўзини бутунлай қобилиятсиз сезарди. Бу масалада ота бола ҳеч бир фикрга келиша олмасдилар. Аммо Алексей ҳозирча барин бўлиб юраверди ва ҳар эҳтимолга қарши мўйлов ҳам қўйиб олди.

Алексей ҳақиқатан ҳам азamat йигит эди. Чиндан ҳам унинг келишган қадди-қомати ҳарбий мундир киймаса ва у от устида ўзига оро бериб юриш ўрнига ёшлигини маҳкама қофозлари устида эгилиб-букилиб ўтказса, ярашмас эди. Қўшнилар унинг овда ўйлни суриштирмай ҳар вақт биринчи бўлиб чопишини кўриб, ҳеч қачон у дурустроқ амалдор бўла олмайди, деярдилар. Қизлар эса унга бетиним кўз югуртиришар, баъзилари ҳатто суқланиб қарадилар; аммо Алексей улар билан кам машғул бўларди, қизлар эса, унинг бепарволигидан, бирон қизга ошиқ бўлса керак, деб ўйлашар эди. Ҳақиқатан ҳам унинг хатларидан бирининг адреси нусхаси қўлдан-қўлга ўтиб юрар ва бу хатда шундай сўзлар битилган эди: «*Москваада, Алексеев монастырикінг қаршисида, мискар Савельев ўйида яшовчи Акулина Петровна Курочкинага тегсин. Сиздан эса бу хатни A. N. Р. га төширишингизни ўтиниб сўрайман*».

Қишлоқда яшаб кўрмаган китобхонларим уезд қизларининг нақадар чиройли эканликларини тасаввур этолмайдилар! Соғ ҳавесда, ўзларининг олма дараҳтлари сояларида етишган бу қизлар, киборлар жамиятини ва ҳаётни китоблардан биладилар. Танҳолик, эркинлик ва мутолаа бизнинг паришонхотир гўзалларга ҳали маълум бўлмаган эҳтирос ва туйғуларни уларда эрта ўйготади. Бу қизлар учун қўнгироқ товушининг ўзи бир саргу-

зашт, яқин бир шақарга бориб келиш әса ҳаётларидан катта бир давр ұсқобланады, меңмөнгө бориши ҳам уларда узоқ вақт ва баъзан қатто умрбод хотира қолдиди. Табиийки, уларнинг баъзи бир ажойиб қилиқлари устидан ҳар ким ҳам бемалол кула олади, аммо бу юзаки қарайдиган одамнинг мазахлари уларнинг муҳим фазилатларини ерга уролмайди, улардан муҳимлари: шу феъл-автор хусусияти, ўзига хослиги (*individualité*) бўлмаса, Жань-Поль¹ фикрича, инсоний фазилат ҳам бўлмайди. Пойтахтлардаги хотинлар балки яхшироқ таҳсил оларлар, лекин киборлар жамияти одатлари уларнинг феъл-авторини тезда сийқалаштириб, кўнгилларини ҳам бош кийимлар каби бир хил қилиб қўяди. Аммо бизнинг бу сўзларимиз уларни бутунлай қоралаб ёки гийбат тарзида айтилаётганий йўқ, лекин шунга қарамай, қадимги бир тадқиқотчи олимнинг ёзганидай: *Nota nostra manet*² дир.

Бизнинг бу ойимқизларимиз орасида Алексей қандай таъсир қолдирганини тасаввур этиш осон. Алексей биринчи марта қизларга ғамгин, умидсиз бир ҳолда кўриниш берди ва биринчи бўлиб ўзининг барбод бўлган севинчлари ва хазон бўлғаң ёшлиги тўғрисида сўз очди; бундан ташқари у бош суюги сурати солинган бир қора узук тақиб юради. Буларнинг ҳаммаси ўша вилоятда жуда катта янгилик ұсқобланар эди. Ойимқизлар унинг тўғрисида сўз боргандаги ўзларини йўқотиб қўярдилар.

Аммо бу гаплар ҳаммадан кўпроқ менинг инглизпастимнинг қизи Лиза (ёки Бетсини, чунки Григорий Иванович қизини шундай деб атар эди)ни қизиқтиради. Оталар бир-бирлариникига бориш-келиш қилмасдилар. Ҳамма қўшни қизларнинг ўша йигит тўғрисида гапиришларига қарамай, Лиза Алексеини ҳали кўрмаганди. Қиз ўн етти ёшга кирган эди. Унинг қора кўзлари қорачадан келган ва жуда ёқимли юзига монанд бўлиб, чарақлаб туради. У отасининг ёлгиз қизи бўлиб, шунинг учун ҳам эрка эди. Унинг ўйноқилиги ва ҳар он қилиб турадиган шўхликлари отасини жуда қувонтиргани ҳолда, аксинча, юзига ула-элик суриб, қошларига сурма қўйиб юрадиган ва йилда икки марта «Памель»³ни ўқиб тушириши учун икки минг сўм пул олиб, бу ёввойи *Rusçaya* зерикиб ўлар ҳолатга келган қирқ яшар такаббур мураббия Жаксон хонимни ғазаблантираш эди.

Лизага Настя хизмат қилиб юради; аммо у Лизадан катта бўлса ҳам, ўз бекасидек енгилтабиат эди. Лиза уни жуда яхши кўрар, бутун сирларини унга айтар ва у билан бирга ўзининг ҳар хил қилиқларини ўйлаб чиқаради; хуллас, Прилучина қишлоғида Настя француз фожиаларида бўладиган сирдош дугоналардан кўра ҳам аҳамиятлироқ бир сиймо эди.

¹ Жан-Поль (1763—1825)— немис ёзувчisi Иоган Пауль Рихтернинг таҳаллуси.

² Бизнинг қайд этганимиз ўз кучида қоладир.

³ «Памель»— инглиз ёзувчisi Ричардсоннинг (1689—1761) романи.

— Бугун меҳмондорчилликка боришга рухсат этинг,— деди бир куни Настя, бекасини кийинтирап экан.

— Майли, бироқ айт, қаерга?

— Тугиловога, Берестовларникига. Бугун ошпаз хотиннинг туғилган куни экан, кеча у бизни зиёфатга чақириб кетган эди.

— Буни қара-я!— деди Лиза.— Хўжайнилари жанжаллашиб юрадилар-ку, хизматкорлари бир-бирларини меҳмон қилишадилар-а!

— Бизнинг хўжайнилар билан нима ишимиз бор!— деб эътиroz билдириди Настя.— Бунинг устига мен отангизнинг эмас, сизнинг хизматкорингизман. Ахир, сиз ҳали ёш Берестов билан уришганингизча йўқ-ку; энди, қариларимизга келсак, уришса уришаверсин, ўзларига шу хуш ёқса, бизга нима.

— Бўлмаса, Алексей Берестовни кўришга ҳаракат қил, Настя, у қанақа ва қандай одам эканини менга яхшилаб айтиб ёрассан.

Настя вайда берди. Лиза кун бўйи сабрсизлик билан унинг қайтишини кутди. Настя қечқурун қайтиб келиб:

— Лизавета Григорьевна, мен ёш Берестовни кўриб келдим, кўргандаям тоза кўриб олдим, куни бўйи бирга бўлдик,— деди.

— Қандай қилиб? Айт, бирма-бир айтиб бер.

— Рухсат этинг: биз йўлга тушдик, мен, Анисья Егоровна, Ненила, Дунька...

— Яхши, биламан. Хўш, шундан кейин?

— Шошманг, ҳаммасини бирма-бир айтаман. Биз худди овқат устига етиб бордик. Уй одам билан лиқ тўла эди. Колбинскийликлар, захаръевскийликлар, гумашта хотин ўз қизлари билан, хлупинскийликлар...

— Хўш! Берестов-чи?

— Тўхтанг, ахир. Биз шундай қилиб дастурхон ёнига ўтиридик, гумашта хотин биринчи ўринда, мен унинг ёнида... қизлари бўлса шундай димог-фироғ қилиб ўтиришдик, афтлари қурсин, менга нима-а?..

— Оҳ, Настя, шу қадар ипидан нинасигача гапирасанки, одам зерикиб кетади...

— Қандай сабрсиз одамсиз-а!.. Хайр, биз зиёфатдан турдик.. уч соатча ўтириб қолгандик, овқат ҳам соз бўлди: қаймоққа булланган ранг-баранг ширин сомсалар... Шундай қилиб, биз дастурхондан туриб, горелка ўйнагани боққа чиқдик. Бойвачча йигит ҳам шу ерга кедиб қолди.

— Хўш, қани? Ростдан ҳам у яхши эканми?

— Жуда ажойиб экан. Тенги йўқ дейиш мумкин. Қомати келишган, новча, ёноқлари қизил...

— Ростдами? Мен бўлсам уни рангпар деб юргандим. Яна қанақа? У сенга қандай кўринди, ғамгинми, ўйчанми?

— Бе-е, қанақасига унақа бўлсин? Мунақанги ўтакетган шўх йигитни мен умримда ҳеч кўрмаган эдим. У биз билан горелка ўйнамоқчи бўлди-ю!

— Биз билан горелка ўйнамоқчи бўлди, дедингми?! Бўлмаган гап!

— Жуда бўладиган гап-да. Тагин унинг ўйлаб топганини қаранг. Қайсимишни тутса, ўпади-я!

— Ихтиёр сенда, Настя, аммо сен ёлғон гапиряпсан?

— Ихтиёр сизда, ёлғон гапираётганим йўқ. Мен ўзимни ундан зўрга қутқардим. Кун бўйи бизга илашиб юрди.

— Қандай қилиб шундай қиласди? Ахир уни бирорвга хуштор ва ҳеч кимга қарамайди, дейишади-ку?

— Билмадим, менга бўлса жуда қаттиқ тикилди. Таняга ҳам, гумашта хотиннинг қизига ҳам, колбинскийлик Пашага ҳам, тўғриси, гуноҳ бўлса ҳам айтай, ҳеч қайсимишни ранжит мади, шунаقا шўх йигит экан!

— Қизиқ! Хўш, уйда унинг тўғрисида нима гап бўлди?

— Баринни шундай яхши, оққўнгил, хушчақчақ йигит дейишади. Фақат бир айби: қизларнинг кетидан югуришини яхши қўрармини. Менимча, бу айтарли айб эмас: вақти билан қуюлиб қолади.

— Мен уни шундай бир кўргим келадики! — деди Лиза уҳ тортиб.

— Нимаси қийин? Тугилово биздан унча узоқ эмас, ҳаммаси бўлиб уч чақирим, ўша томонга сайд қилиб боринг ё отга ми-ниб кетинг, сиз, албатта, унга дуч келасиз, чунки у ҳар кун эрталаб милтиқ билан овга чиқар экан.

— Йўғ-э. Яхшимас. У бу қиз менинг орқамга тушган экан, деб ўйлаши мумкин. Бунинг устига, оталаримиз орасида можаро бор, шундай қилиб, ҳар ҳолда у билан танишувим мумкин бўл-мас... Оҳ, Настя! Биласанми нима, мен оддий қишлоқи қиз бў-либ кийинаман!

— Ростданам, кенг кўйлак, сарафан кийиб олинг-да қўрқ-масдан Тугиловога тўғри жўнанг; кафил бўламанки, Берестов сизни кўздан қочирмас.

— У ерликлар лаҳжасида бўлса гаплашишни яхши биламан. Оҳ, Настя, севикли Настя! Қандай яхши фикр!

Лиза ўзининг бу ҳазиломуз ниятини шаксиз ўрнига етказишига қаёд қилиб, ўринга ётди.

Эртасиёқ у ўз режасини бажаришга киришди: қалин мато, кўк чит билан мис тутглалар сотиб олишга одам юборди, Настя-нинг ёрдамида ўзига кўйлак билан сарафан бичди, бутун хизматкор қизларни тикишга ўтқазди, кечқурун ҳаммаси тайёр бўлди. Лиза кийиниб, ойнага ўзини солиб кўрди ва шу чоққача бунчалик жозибадор бўлмаганини эътироф этди. У ўз ролини такрорлар эди, кела туриб эгилиб бир неча бор таъзим қилас... деҳқон лаҳжасида сўзлар, енглари билан юзини беркитиб кулар ва Настянига мақташларига сазовор бўларди. Фақат бир нарса уни қийнар эди: ҳовлида яланг оёқ юриб кўрмоқчи бўлган эди, латиф оёқларига хас-чўп ботди, қум ва майдада тошлар чидаб бўл-мас даражада оғритди. Настя бу ишда ҳам унга ёрдам қизди: у

Лизанинг бегини улчаб олиб, даладаги Трофим чупон томонига қараб чопди ва бир жуфт пўстлоқ кавуш буюрди. Лиза эртаси кун саҳарлаб уйғонди. Бутун уй ичидагилар ҳали ухлаб ётишарди. Настя дарвоза ёнига чиқиб чўпонни кутади. Най чалинади ва қишлоқ подаси бариннинг ҳовлиси ёнидан ўта бошлайди. Трофим Настя олдидан ўта туриб, унга бир жуфт ола-була кичик пўстлоқ кавушини тутқазади ва ундан ярим сўм кавуш ҳақи олади. Лиза секингина пичирлаб, Жаксон хонимга тегишли топшириқларни бериб, орқа эшикка чиқади-да, полиздан чопиб ўтиб, дала томон жўнайди.

Шарқ томонда тонг шуъла соча бошлади ва олтин булутлар туркуми гўё сарой аҳли подшони кутаётгандек, қуёшни кутаётганга ўхшаб кўринади; тиниқ осмон, тонг салқини, шудринг, шабада ва қўушларнинг сайрашлари Лизанинг юрагини болалик севинчи билан тўлдиради. У бирон танишнинг дуч келиб қолишидан қўрқиб, учгандай тез югуради. Отасининг мулки чегара-сидаги чакалакка яқинлашар экан, Лиза юришини секинлатди. Бу ерда у Алексейни кутмоқчи эди. Унинг юраги қаттиқ тена Сошлади, сабабини эса ўзи ҳам билмас эди; лекин шўх ёшларимизнинг қўрқиб-чўчиб туриши уларнинг энг яхши латофатидир. Лиза чакалакзор қоронғилигига кирди. Чакалакзор қизни бўгиқ ва тарқоқ шовиллаб қарши олади. Унинг севинчи пасаяди. У секин-секин ширин ҳеёлларга берила бошлайди. У ўйларди... лекин ўн етти яшар ойимқизнинг баҳор тонгида, соат олтиларда, чакалакда ёлғиз ўзи нима тўғрисида ўйлаётганини аниқ белгилаш мумкинми? Шундай қилиб, у ҳар икки томондан баланд ёғочлар кўланка ташлаган йўл бўйлаб, ўйга ботиб бораради, бирдан чиройли бир овчи ит унга қараб ҳуриб қолади. Лиза қўрқиб кетади ва бақириб юборади. Шу пайтда: tout beau Sbogar ici¹ деган топуш эшитилади ва навниҳол дарахтлар орқасидан овчи йингит кўринади. «Қўрқма, нозанин,— деди у Лизага,— итим қопмайди». Лиза бу вақт қўрқувдан ўзини анча тутиб олган бўлиб, дарҳол фурсатдан фойдаланишга ўтади. «Йўғ-э, барин,— деди у, қўрқансимон ва уялгансимон бўлиб,— қўрқаман, итинг ҳуда қопагонга ўхшайди. Яна менга ўзини ташламасин». Алексей (уни китобхон таниб олгандир) ёш қишлоқи қиздан кўзини узмай кааради. «Агар қўрқсанг, мен сени кузатиб қўяман,— деди у Лизага.— Ёнингда боришга унайсанми?» «Ким сенга ха-лақит беради?— деб жавоб қилди Лиза.— Йўл элники, хоҳлаган томонга юриш мумкин». «Ўзинг қаердансан?» «Прилучинаданман, темирчи Василийнинг қизиман, қўзиқорин териб юрибман» (Лизанинг қўлида пўстлоқ сават ҳам бор эди). «Сен-чи, барин? Тугиловоликмисан дейман?». «Худди шундай,— деб жавоб берди Алексей,— мен ёш бариннинг хизматкори бўламан». Алексей

¹ Тинчлан, Сбогар, бери кел... («Сбогар»— оққўнгил қароқчи; француза ёзувчиси Шарла Ноденинг (1780—1844) «Жан Сбогар» романининг қаҳрамони).

ўзини қиз билан тенг қилиб кўрсатмоқчи эди. Аммо Лиза унга қараб, кулиб юборди. «Алдайсан,— деди у,— эси пастга ишининг тушгани йўқ, кўриб турибманки, ўзинг баринсан». «Нега сен бундай деб ўйлайсан?» «Ахир ҳаммаси кўриниб турипти-ку». «Нимадан?» «Баринни хизматкордан ажратиб бўлмайдими? Кийиминг ҳам ундаи эмас, гапинг ҳам бўлакча, штни ҳам биздағанги чақирмайсан». Лиза тобора Алексейга ёқиб борарди. У чиройли қишлоқ қизлари билан бетакаллуф муносабатда бўлишга одатланиб қолганидан Лизани қучоқламоқчи бўлди. Лекин Лиза сакраб ўзини четга олди ва бирдан шундай жиддий ва совуқ тусга кирдикি, Алексей кулиб юборди. Аммо шундай бўлса ҳам, Лизанинг бу ҳаракати уни Алексейнинг ҳужумларидан сақлаб қолди. «Агар сиз келгусида дўст бўлишишимизни истасангиз,— деди у жиддий бир тусда,— эсингизни еб қўйманг». «Бу ҳикматли сўзларни сенга ким ўргатди ўзи?— деб сўради Алексей қаҳқаҳлаб.— Менинг танишими Настенъка сизларнинг қишлоқларингиздаги бека қизнинг хизматчиси, ўша ўргатиб қўймадими? Қаранг-а, маърифат қандай йўллар билан тарқалар экан!» Лиза ўз ролидан четга чиқаётганини ҳис этиб, дарров ўзини тузатиб олди: «Бўлмаса, нима?— деди у.— Мени хўжайнин ҳовлисида ҳеч қачон бўлмайди деб ўйлайсанми? Ўлама, ҳаммасини эшитганман, кўрганман, шундай қилиб,— деб давом этди у,— сен билан бекорчи гапга овора бўлиб, киши қўзиқорин теролмай қолади, сен ўёққа кет, мен бўёққа! Кечирим сўрайман...» Лиза узоқлашмоқчи бўлди. Алексей унинг қўлидан ушлаб қолди. «Жонгинам, отинг нима?» «Акулина,— деб жавоб берди Лиза бармоқларини Алексейнинг қўлидан тортиб олишга уриниб,— қўйвор-э, барин, уйимга кетишим керак.» «Дўстим Акулина. Мен, албатта, темирчи отанг Василийга меҳмон бўлиб бораман.» «Нима деяпсан?— деб эътиroz билдири дарров Лиза.— Тангри ҳақи, бора кўрма, агар менинг барин билан чакалакзорда ёлгиз сўзлашганини уй ичим билса, бошим балога қолади; темирчи отам Василий ўлгунимча уради». «Мен ахир сен билан албатта, тагин кўришмоқчиман». «Мен бўлмаса тагин бир куни қўзиқорин тергани келарман бу ерга». «Қачон ахир?» «Хоҳласанг эртага». «Севиклим Акулина, упид олардим-у, бироқ ботина олмайман. Энди, демак, эртага шу вақтда келасан-а, бу ерга, шунақами?» «Ҳа, ҳа». «Сен мени алдамайсан-а?» «Алдамайман». «Онт ич». «Ҳўл, худо урсин, келаман».

Ёшлиар хайрлашдилар. Лиза чакалакзордан чиқди, даладан ўтиб олди, яшириниб боққа кирди ва шошилиб, Настя кутиб турган фермага чопиб келди. У ерда Лиза, тоқатсиз сирдошининг сўроқларига паришонхотирилик билан жавоблар бераркан, кийимларини алмаштириди ва меҳмонхонага чиқди. Дастиурхон ёзилган, нонушта тайёр эди ва Жаксон хоним юзига упа суриб, бир қултум сув билан ютиб юборгудай бўлиб, устига юпқа қилиб мой суртилган нон кесмоқда эди. Отаси эрталаб сайр қилиб келгани учун уни мақтади: «Саҳар уйғонипдан фойдалироқ нарса

йўқ», — деб айтди. У бу ўринда яна, инглиз журналларидан ўқеб билгани — одамнинг узоқ умр кўриши ҳақидағи мисолларни сўзлаб кетди, шуни ҳам қўшиб қўйдики, юз йилдан ошиқ умр кўрган одамларнинг ҳаммаси ароқ ичмаган, қишу ёз бирдек саҳарда турар эканлар. Лиза унинг гапларини эшитмасди. У эрталабки учрашувнинг бутун тафсилотини: Акулинанинг овчи йигит билан бўлган сўзларини ўз кўнглида такорлаб, виждони азоб чека бошлаганди. У эрталабки сұхбат одоб доирасидан чиққани йўқ, бу шўхликнинг оқибати ёмон бўлмайди, деб ўзини-ўзи беҳуда ишонтиromoқчи бўларди, виждони идрокидан баландроқ нола қиласарди. Эртаги кунга берган ваъдаси уни ҳаммасидан ортиқ тинчизлантирас эди: у сал бўлмаса ўзининг берган тантанали қасамёдидан кечиб юборайн ҳам деди. Аммо Алексей уни кутакута Василий темирчининг қизи ҳақиқий Акулинани — кепчикдай семиз, чўтири қизни қишлоқдан ахтариб топиши ва шу тарзда бунинг енгилтаклик билан қилган шўхлигини фаҳмлаб қолиши мумкин эди. Бу фикр Лизани қўрқитиб юборди ва у эртага яна Акулина тарзида чакалакзорга бормоқчи бўлиб қўйди.

Алексей жуда хурсанд ва таажжубда эди, кун бўйи у ўзининг янги таниш қизи ҳақида ўйлаб юрди; кечаси билан ҳам қорачадан келган бу гўзал қизнинг сиймоси унинг тушларига кириб, бутун фикри ёдини банд этиб чиқди. У кийиниб бўлган пайтда, тонг энди ғира-шира ота бошлаган эди. У, милтигини ўқлашга ҳам сабри чидамай, ўзининг вафодор ити Сбогар билан далага чиқди ва учрашувга ваъда этилган жойга қараб югурди. Ярим соат вақт унинг учун тоқат қилиб бўлмайдиган интизорликда ўтди; ниҳоят буталар орасидан кўк сарафан кўриниб қолди ва у севикли Акулина томон югурди.

Лиза унинг миннатдорлик билан қувонишларига қулимсираб қўйди; аммо Алексей, шу ондаёқ унинг юзида безовталик ва ташвиш изларини кўрди. Алексей бунинг сабабини билмоқчи бўлди. Лиза ўзининг бу қилиги енгилтаклик эканини ва у шунга пушаймон бўлганини, фақат шу сафар берган ваъдаси устидан чиқиши истаганини ва бу учрашув уларнинг сўнгги марта учрашувлари эканини ҳамда бу учрашувлар уларни яхшиликка олиб келмаслигини эътироф этиб гапирди ва шунинг учун бу учрашувларга хотима беришни сўради. Табиийки бу сўзларнинг ҳаммаси деҳқон лаҳжасида айтилган эди; лекин бу содда қиз учун гайритабиий кўринган фикр ва туйгулар Алексейни ҳайрон қолдирди. У Акулинани ўз ниятидан қайтариш учун гапга чечанлигини ишга солди; ўз истакларининг бегуборлигига Лизани ишонтиromoқчи бўлди; унинг пушаймон бўлишига асло йўл қўймаслигини, ҳар нарсада унга бўйсунишини айтди. Бирдан-бир қувончи бўлган учрашувдан уни маҳрум этмасликни: кунора бўлса ҳам, ҳафтада икки марта бўлса ҳам учрашиб туришни сўраб, ёлворди. Алексей эҳтирос билан сўзлар ва бу онда у худди ошиқнинг ўзгинаси бўлган эди. Лиза уни жим туриб тинглади ва ниҳоят: «Сен менга қишлоқдан ҳеч қачон мени ах-

тармасликка ва менинг түгримда сўроғлаб юрмасликка, мен ўзим белгилагандан бошқа учрашув йўлини изламасликка сўз бер», — деди. Алексей худони ўртага қўйиб онт ичмоқчи бўлган эди, лекин қиз кулимсираб уни тўхтатди ва: «Менга онт ичининг керак эмас, ваъдангнинг ўзи бас», — деди.

Шундан сўнг улар ўрмонда сайр қилиб, Лиза унга, бас, бўлди дегунча дўстларча сұҳбатлашиб юрдилар. Улар хайрлашдилар, ёлғиз қолган Алексей, қишлоқи содда қизнинг икки учрашувдаёқ унинг устидан қандай ҳукмрон бўлиб олганини ўйлаб, тушунолмади. Акулина билан бўлган муносабати унинг учун ажойиб бир янгилик эди ва бу галати қишлоқи қизнинг буйруқлари унга сғир туялса-да, у ўз сўзида турмасликни ҳатто эсига ҳам келтирмас эди. Қизиги шундаки, Алексей қўрқинчли узук тақиб, сирли мактублар ёзиб, умидсизланиб юришига қарамай, оққўнгил ва сергайрат, маъсумлик завқини ҳис қила оладиган соғ юракли бир йигит эди.

Агар мен ёлғиз ўз истагимга қулоқ солганимда, албатта, бу ёшларнинг учрашувларини бутун тафсилоти билан тасвирлар эдим. Уларнинг борган сари ортиб борган ҳар икки томонлама майл ва ишончларини, машғулотлари ва сўзларини тўла ёзардим, лекин биламанки, китобхонларимнинг кўп қисми менинг давқимни маъқул кўрмаслар. Шунингдек, бу тафсилотимиз ҳам умуман чучмал кўринса керак, шунинг учун мен уларни ташлаб кетаман, фақат қисқача шунигина сийтаманки, икки ой ўтмасданоқ менинг Алексеим, севгидан ақли-ҳушини йўқотаёзди. Лиза ҳам, гарчи ундан кўра тинчроқ ва жимроқ бўлса-да, лекин барибир бепарво эмасди. Ҳар иккиси ҳозирги вазиятдан баҳтиёр бўлиб, келажак ҳақида оз ўйлашар эди.

Севги паймонаси билан ўзаро мустаҳкам bogланганликлари тез-тез эсларига келиб турса ҳам, бу ҳақда бир-бирларига гапирмасдилар. Сабаби равшан эди: Алексей ўз Акулинасини қанчалик севиб қолган бўлмасин, у мудом ўзи билан фақир бир деҳқон қизи ўртасидаги оралиқнинг узоқлигини ҳаммавақт эсига олиб турарди, Лиза эса оталари бир-бирларини шу қадар ёмон кўришлари учун, ҳар икки томоннинг ярашиб кетишига кўзи етмасди. Бунинг устига, Лизанинг иззат-нафасини Тугилово помешчигини Прилучино темирчисининг қизи оёқлари остида ёлворган ҳолда кўрмоқ каби романлардагидай галати бир яширинча умид васвасага солганди. Лекин тўсатдан рўй берган муҳим бир воқеа уларнинг тотув муносабатларини ўзгартириб қўяёзди.

Эрталаб ҳаво очиқ ва совуқ бўлгани кунларнинг бирида (бизнинг Русия кузлари кўпинча шундай бўлади), Иван Петрович Берестов отга миниб сайрга чиқди, ҳар эҳтимолга қарши, ўзи билан уч жуфт този ит, жиловдори, қўлларида тартарақ тутган бир неча қарол болаларини бирга олди. Шу вақтнинг ўзиди Григорий Иванович Муромский ҳам, очиқ ҳаво күш ёқиб, ўзининг калта дум биясини эгарлашга буюрди ва инглизча оро берилган ерлари бўйлаб йўртиб кетди. Ўрмонга яқинлашаркан, ичи тулки

терисидан бўлган чакмон кийиб, от устида фурур билан ўтирган қўшнисини кўрди, у болаларниң шовқини ва тартаракларидан чўчиб, чакалакдан қочиб чиқадиган қўённи кутиб туради. Агар у Григорий Ивановичнинг учраб қолишини олдиндан билгаида, албатта, бошқа томонга бурилиб кетган бўларди, аммо у Берестов устидан кутилмаган бир жойда чиқиб қолди — оралари бир ўқ отим жойча қолганди. Бошқа илож йўқ: Муромский ўқимишли бир европалик сифатида ўз рақибининг ёнига келди ва одоб билан унга салом берди. Берестов ҳам, занжирдаги айиқ ўз хўжасининг амри билан жанобларга эгилиб таъзим қилгани каби, ҳафсала билан жавоб берди. Шу минутда ўрмон оралигидан бир қуён сакраб чиқди ва дала бўйлаб чопа бошлади. Берестов ва унинг жиловдори товушларининг борича қичқирдилар, тозиларни қўйиб юбордилар, ўзлари ҳам уларнинг кетидан чопа кетдилар.

Муромскийнинг ҳеч қачон ов кўрмаган оти ҳуркиб кетиб, уни олиб қочди. Ўзини яхши чавандоз деб юрган Муромский отини ўз ҳолига қўйди ва ўзини кўнгилсиз ҳамсуҳбатидан қутқаргал бу ҳодисага ичидан хурсанд бўлди. Аммо от чопиб бориб, жар ёқасидан чиқиб қолди ва тўсатдан четга бурилди. Муромский ўзини тутиб қололмади. У музлаган ерга қаттиқ йиқилиб тушди ва шу ҳолиша устида одам йўқлигини сезган ҳамоно, худди бир нарса эсига тушгандай, дарров тўхтаган думсиз отини лаънатлаб ётди. Иван Петрович унга етиб келди ва аҳволини сўради. Шу орада унинг жиловдори айбдор отни тутиб келди. У Муромскийнинг отга минишига ёрдам берди. Берестов бўлса уни ўйига таклиф қилди. Муромский рад этолмади, чунки ундан миннатдор эди. Шундай қилиб, Берестов қуён овлаб ва ўз рақибини ярадор ҳолда ҳамда ҳарбий асири вазиятида шараф билан ўйига олиб келди.

Қўшнилар овқат вақтида дўстона суҳбатлашдилар. Муромский Берестовдан арава сўради, чунки у, йиқилгандан зарб еганидан, от устида ўйига етиб олиш ҳолатида эмаслигини эътироф этди. Берестов уни то эшиккача кузатиб қўйди. Муромский бўлса ундан (шунингдек ўғли Алексей Ивановичдан ҳам) эртагаёқ Прилучинога дўстларча меҳмондорчиликка боришга ваъда олиб келди. Шундай қилиб, эски ва чуқур илдиз ёйган адоват, калта дум биянинг ҳурковичлиги соясида барҳам егандай кўринарди.

Григорий Ивановичнинг қаршиисига югуриб Лиза чиқди: «Нима бўлди сизга, ота? — деди ҳайрон бўлиб.— Нега оқсаяпсиз? Отингиз қани? Бу арава кимники?» «Ўйлаб тополмайсанда, my dear¹», — деб жавоб берди Григорий Иванович ва бутун воқеани сўзлаб берди. Лиза ўз қулоқларига ишонмасди. Григорий Иванович қизи эсини йиғиб олмасданоқ, эртага Берестов билан ўғлининг меҳмонга келишини айтди. «Нима деяпсиз ўзингиз? — деди қизи ранги оқариб.— Берестовлар, отаси билан ўғли! Эртага бизга меҳмон бўлиб? Йўқ, ота! Нима қилсангиз

¹ Жон қизим.

ҳам, мен кўриниш бермайман». «Нима, эсингни едингми? — деб эътироz билдири отаси.— Қачондан бери бунақа уятчан бўлиб қолдинг ё романлардаги қаҳрамон қизлар сингари сен ҳам адоватин мерос қилиб олдингми? Етар, тентак бўлма...» «Йўқ, ота! Агар дунёдаги ҳамма нарсани олдимга тўкиб қўйсалар ҳам, қандай хазина берилса ҳам барибир мен Берестовларнинг олдига чиқмайман». Григорий Иванович елкасини қисиб қўйди ва у билан ортиқ тортишиб ўтирмади, чунки қизига қарши туриб бир иш чиқара олмаслигини билар эди. Кейин у ажойиб сайрининг ҳордигини чиқариш учун дам олганни кетди.

Лизавета Григорьевна ўз хонасига чиқди ва Настяни чақириди. Иккоби эртага келадиган мөхмонлар ҳақида узоқ муҳокама юргиздилар. Агар Алексей, яхши тарбия кўрган қизда ўз Акулинасини таниб қолса, нима деб ўйлади? Унинг ахлоқи, одатлари, ақли ҳақида қандай фикрда бўлади? Иккинчи томондан, у шу қадар куттилмаган бу учрашув унда қандай таъсир қолдиришини кўришни жуда истар эди... Бирдан унинг бошига бир фикр келди. У шу заҳотиёқ ўз фикрини Настяга билдириди; иккаласи бу янги фикрдан хурсанд бўлиб, уни албатта ижро этишга киришдилар.

Эртаси куни нонушта вақтида отаси қизидан, ҳали ҳам унинг Берестовлардан қочиши фикридами эканини сўради. «Ота,— деб жавоб берди Лиза,— агар сизга зарур бўлса, мен уларни қабул этаман, аммо бир шартим бор: мен улар олдига қандай кирмайин, нима қимайин, сиз мени уришмайсиз ва ҳайронлик ё норозилик аломати кўрсатмайсиз». «Тагин бирон шўхликтирда!— деди кулиб Григорий Иванович.— Хўп, яхши, яхши; розиман, сен нимани хоҳлассанг шундай бўлсин, менинг қорақўз, шўх қизим!» Шундан кейин у қизининг пешонасидан ўпди ва Лиза ҳозирлик кўргани чопиб чиқиб кетди.

Худди соат иккода олти от кўшилган, кўркам извош ҳовлига кириб келди ва ям-яшил чимзор ёнида тўхтади. Қари Берестов Муромскийнинг маҳсус уқали кийимдаги иккита малайнинг ёрдамида эшик зинапоясидан чиқди. Унинг орқасидан ўғли отда етиб келди ва отаси билан бирга дастурхон тайёрланган мөхмонхонага кирди. Муромский ўз қўшиларини жуда ҳурмат ва навозиш билан қабул этди. Уларга овқат олдидан боғчани, йиртқич ҳайвонларини кўришни таклиф қилди ва диққат билан супурилган, қум сепилган йўлчадан бошлаб кетди. Қари Берестов шу қадар бемаъни ҳавасга сарф қилинган вақт ва меҳнатга ичиндан ачинди. Лекин одоб юзасидан индамади. Ўғли на тадбирили отасининг норозилигига ва на гердайган инглизпарастнинг севиничига қўшилмасди; у сабрсизлик билан таърифини кўп эшитган уй эгасининг қизининг чиқишини кутарди ва гарчи унинг қалби бизга маълум севги билан банд бўлса-да, аммо у бу ёш ва чиройли қизни кўрмоқ иштиёқи билан ёнарди.

Мөхмонхонага қайтиб киргач, учовлон бирга ўтиришди: қарилар илгариги вақтларни ва ўз хизматларининг ҳангомаларини

эслардилар, Алексей бўлса, Лиза кириб келган пайтда ўзининг қандай роль ўйнашини ўйлади. У ўзимни паришонхотир тутиш ҳар ҳолда ҳаммасидан тузук бўлар, деб ўйлади ва шунга ҳозирланди. Эшик очилди ва у шу қадар лоқайдлик ҳамда турур билап писанд қилмай қарадики, буни кўрганда ҳар қандай оти чиққан сатангнинг ҳам юраги жаз этиб кетарди. Бахтга қарши, Лизанинг ўрнига юзига упа суртиб, тор кийимга ўралиб олган ва кўзларини ерга қараб сузган қари Жаксон хоним таъзим билан кириб келди, Алексейнинг ҳарбийча гўзал ҳаракати бекор кетди. У ҳали ўзини ўнглаб ҳам олмаган эдик, эшик яна очилди ва бу сафар Лиза кириб келди. Ҳаммалари ўринларидан туришди: отаси уни меҳмонлар билан таништирмоқчи бўлди-ю, лекин бирдан тўхтади ва лабини тишлаб қолди... Лиза, унинг қорачадан келган Лизаси, қулоқларига қадар упа қўйиб, сурма суртишда Жаксон хонимдан ҳам ўтиб кетган эди; у бошига Людовик XIV нинг ясама сочига ўҳшатиб, асл ўзининг сочига писбатан ялтироқроқ бўлган ясама соч тақиб олганди, унинг а l'imbécile¹ енглари Madame de Pompadour² фижмаларидаи бе-сўнақай эди; бели икс (х) ҳарфи шаклида сиқилган бўлиб, онасининг ҳали гаровга қўйилмаган бутун гавҳарлари бармокла-рида, бўйнида, қулоқларида ярқираб турарди. Алексей бу кулгили ва ажойиб қиз ўз Акулинаси эканини билмади. Берестов унинг қўлини ўпмоқ учун ёндашди, Алексей ҳам унинг қўлидан ижирганиб туриб ўпди; у Лизанинг оқ бармоқларини ушлар экан, назарида, қизнинг бармоқлари титра-ётгандай бўлиб кўринди. Шу орада у Лизанинг қасдан илгари қўйилган ва ҳар хил сатанглик билап пардозланган оёқчалари-ни кўриб қолди. Бу қизнинг бошқа кийимларидан кўра ўзига муносибдай кўринди. Упа ва сурмаларга келганда, тўғрисини айтиш керакки, у соддадиллик билан биринчи боқишида буларни пайқаб ололмади ва шунингдек, кейин ҳам ундан шубҳа қилмади. Григорий Иванович ўз ваъдасини эслади ва ҳайрон қолганини билдирамасликка уринди, аммо қизнинг шўхлиги унга шу қадар қизиқ бўлиб кўриндики, у ўзини кулгидан зўрга тўхтатиб қолди. Такаббур инглиз хоними кулгидан узоқ бўлиб, сурма ва упа унинг жавонидан ўғирланганини пайқаб, аччиғидан қизариб кетганди ва бу унинг упа чапланган юзидан билиниб турарди. У шўх қизга ўқрайиб қарап, Лиза эса, ҳар қандай изоҳотни ўзга бир вақтга қўйиб, ўзини ҳеч нарсани сезмаганга соларди.

Стол атрофига ўтиришди. Алексей ўйчанлик ва паришонхотирлик ролини ўйнайверди. Лиза нозланар, тишлари орасидан чўзиб-чўзиб фақат француздечалаб сўзлар эди. Отаси ҳар онда унга боқарди, мақсадини тушунмасди, аммо бунинг ҳаммаси унга

¹ Тўгри таржимаси: «тентакнамо» елкаси кенг ва оғзи жуда сиқилган енг.

² Французд қироли Людовик XV нинг (1711—1764) маъшуқаси — бека Помпадур.

жуда қизиқ туяларди. Инглиз хоним ҳаддан ташқари аччиғланған бўлса ҳам, лекин жим ўтиради. Ёлғиз Иван Петрович худди ўз уйидагидек: икки одам еганича овқат ер, кўтарганича ичар, тобора иноқлашиб сұхбатлашар, ҳоҳлаганча қаҳ-қаҳ уриб кулади.

Ниҳоят ўринларидан турдилар; меҳмонлар кетишди ва Григорий Иванович кула-кула саволлар бера бошлади: «Нега сен уларни лақиљлатдинг?— деб сўради Лизадан у.— Биласанми кима, упа сенга ярашаркан; мен хотинлар пардози қанақа бўлишини билмайман, аммо мен сен бўлганимда, упа қўйиб юардам; лекин табиийки, кўп эмас, озроқ қўярдим». Лиза ўз найраингининг муваффақиятидан жуда хурсанд эди. У отасини қулоқлади ва унинг маслаҳатини ўйлаб кўришга ваъда берди-да, ғичигланган Жаксон хонимни тинчлантириш учун югурди. Жаксон хоним эшигини очишга ва қизнинг ўзини оқлашни эшитишга ўрга рози бўлди. Лиза таниш бўлмаган меҳмонлар ҳузурига қорадан келган чеҳраси билан киришдан уялган эмиш; аммо сураб олгани ботина олмаганимиш... У шафқатли Жаксон хонимнинг афв этишига ишонганимиш ва ҳоказо... Жаксон хоним Лиза уни мазах қўлмаганига ишониб, тинчланди. Лизани ўпди, ҳам ярашув аломати ўлароқ, бир шиша инглиз упасини багишлиди, Лиза уни самимий ташаккур изҳор этиб қабул қилди.

Эртаси саҳарлаб Лиза учрашув ўрии бўлган чакалакка борганини китобхоннинг ўзи ҳам билиб олгандир. «Барин, сен кеча бизнинг хўжайинникига бордингми?— деди шу замон у Алексей.— Қизи қанақа экан?» Алексей, мен уни яхши кўролмадим, деб жавоб берди. «Эсиз»,— деди Лиза. «Нега ахир?»— деб сўгади Алексей. «Шунинг учунки, мен сендан ҳалиги... дегандари тўгримикин, деб сўрамоқчи эдим». «Нима дегандари?» «Мен ўша ойимқизга ўхшарчишман, шу тўғрими?» «Бўлмагур гап. Уни сенга солиштириб бўлмайди, у хунукдан ҳам хунук». «Оҳ, барин, бундай дейишинг яхши эмас; бизнинг ойимқиз шундай оқ, шундай олифтаки, мени унга қандай солиштириб бўлади!» Алексей онт ичиб, сен ҳар қандай оппоқ қиздан ҳам яхшисан, деди ва уни тамом хотиржам қилиш учун ойимқизни шундай калака қилиб тасвирладики, Лиза чиндан ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулди. «Лекин ойимқиз ҳар қанча кулгили бўлса ҳам,— деди Лиза уҳ тортиб,— барибири, мен унинг олдида саводсиз бир тентакман». «Эҳа,— деди Алексей,— шунга ҳам хафа бўласанми! Агар истасанг, мен сени тезда саводингни чиқариб қўяман». «О, ростдан ҳам,— деди Лиза.— Бир ҳаракат қилиб кўриш керак, дейман!» «Рухсат эт, севгилим, ҳозир десанг ҳам майли». Улар ўтирилар. Алексей чўнтагидан қалам ва ён дафтарини олди. Шундай қилиб Акулина алифбени ажойиб тезлик билан ўрганди. Алексей унинг зеҳнига ҳайрон қоларди. Эртасига у ёзишга ҳам киришиди. Аввало қалам айтганига юрмади: аммо бир неча минутдан сўнг у ҳарфларни анча яхши чиза бошлади. «Қандай мўъжиза!— деди Алексей.— Бизнинг ўқишимиз, ахир «Ланка-

тер¹ усулидан ҳам тез кетяпти». Ҳақиқатан ҳам учинчи дарсда Акулина «Бояр қизи Наталья»ни² җижжалаб ўқийдиган ва ўқышдан түхтаб, баъзи фикрларни айтадиган ҳамда Алексейни чиндан ҳайрон қолдирадиган бўлди. Шунингдек, у бир варақ қоғозга шу қиссадан олинган мақоллар, қисқа таъбиrlарни ёзилб ҳам олди.

Бир ҳафта ўтди, улар ўртасида хат ёзиш ҳам бошланиб кетди. Почта идораси кекса дуб ёғочининг кавагига жойлашган эди. Настя яширинча почталон вазифасини адо этарди. Алексей йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган хатни у ерга келтириб қўяр ва ўз севгилисининг оддий кўк қоғозга ёзилган ақи-бужи ҳатини олиб кетарди. Акулина яхши жумлалар тузишга ўрганиб, маълумоти ортиб, ақли ҳам анча ўсиб бораётганлиги кўришиб турарди.

Шу орада Иван Петрович Берестов билан Григорий Иванович Муромскийнинг ошначиликлари борган сари маҳкамлашиб борди ва кўп ўтмай қуидаги сабабларга кўра дўстликка айланниб кетди: Муромский, Иван Петрович ўлгандан кейин, бутун молмулки Алексей Иванович қўлига ўтишини, шунда Алексей Иванович бу губернада энг бадавлат мулкдорлардан бири бўлиб қолишини, шунинг учун Лизага уйланмасликка ҳеч қандай сабаб йўқлигини ора-сира ўйлаб қўяди. Қари Берестов бўлса, қўшнисининг бирмунча телбалиги (ўз тили билан айтганда инглизча тентаклиги)га иқрор бўлса ҳам, унда анча тузук фазилат, масалан: кам учрайдиган эпчиллик борлигини инкор этмасди. Григорий Иванович машҳур ва кучли граф Пронскийга яқин қарин дош бўлиб, граф эса, Алексей учун жуда фойдали бўлиши мумкин, Муромский бўлса (Иван Петрович шундай деб ўйларди), қизини шундай одамга беришдан ҳар қалай хурсанд бўлса көрак...

Қарилар шу чоққача ҳар қайсиси ўзича шундай ўйлардилар, улар ниҳоят, бир-бири билан сўзлашдилар, кенгашдилар, қучо-лашдилар ва масалани навбат билан ҳал этмоққа ҳар қайсиси ўз томонидан ҳаракат қилишга сўз бердилар. Муромский олдида бизга маълум зиёфатдан сўнг, қизини ҳанузгача кўрмаган Алексей билан танишириш қийинчилиги турарди. Улар ўша куни бир-бирига кўп ҳам ёқмагандай кўришарди; буни ақалли Алексеининг ўшандан бери Прилучинога келмаганидан ҳам билса бўларди, Лиза эса, Иван Петрович уларникуга келганда, ҳар вақт ўз уйига кириб кетарди. Григорий Иванович: агар Алексей ҳар кун уйимга келиб турса, қизим ахир яхши кўриб қолади. Ўзи шунақа бўлади, вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўз қолипига тушиб қолади, деб ўйларди.

¹ *Ланкастер системаси* — илгор ўқувчиларнинг қолоқ ўқувчиларга ёрдам бериб, бир-бирига ўргатиши негизидаги система. Бу усул айниқса, катта ўшдагилар ўртасида қўлланган ва Пушкин замонида жуда кенг тарқалган эди.

² Н. М. Карамзиннинг (1766—1826) тарихий қиссади.

Иван Петрович ўз ниятининг муваффақияти тўғрисида озорқ ташвиш тортарди. Ўша купи кечқуруноқ у ўғлини ўз кабинетига чақириб олди, трубкасини чекаркан, бир оз жим қолиб, деди:

— Нима бўлди, Алёша, кўпдан бери ҳарбий хизмат ҳақида гапирмай қолдинг? Ёки гусар мундири сени ортиқ қизиқтирмай қўйдими!..

— Йўқ, отажон! — деб жавоб берди ҳурмат билан Алексей.— Менинг гусар бўлишим сизга ёқмаслигини кўриб турибман, бинобарин, вазифам сизга бўйсунишdir.

— Яхши,— деди Иван Петрович,— кўриб турибманки, сен итоаткор ўғилсан; бу менга тасалли беради; мен ҳам ўз ихтиёрингга қўйман; ҳарбий бўлмаган билан... барибир бирон идора ишнинга кирувингни ҳам хоҳламайман; ҳозирча сени уйлантиримоқ ниятидаман.

— Кимга экан, отажон? — деди Алексей ҳайрон бўлиб.

— Лизавета Григорьевна Муромскаяяга,— деб жавоб берди Иван Петрович,— яхши қаллиқ, шундай эмасми?

— Отажон, мен ҳали уйланиш тўғрисида ўйлаганимча ҳам йўқ эди-ку.

— Сен ўйламайсан, мен сенинг учун ўйлаб, ўйимни пишишиб қўйдим.

— Ихтиёрингиз, аммо Лиза Муромская менга сира ҳам ёқмайди.

— Кейин ёқиб қолади. Вақт ўтиши билан севишиб кетасизлар.

— Аммо мен уни бахтиёр қилишга мутлақо қобил эмасман.

— Сен Лизанинг бахтининг ғамини емай қўя қол. Нима? Наҳотки сен отанг хоҳишига шундай қарайсан? Яхши!

— Хоҳлаганингизни қилинг, мен уйланишни истамайман ва уйланмайман ҳам.

— Уйланасан, бўлмаса мен сени оқ қиласман, худо ҳақи! Бутун мол-мулкимни сотаман, совураман, сенга сариқ чақа ҳам қолдирмайман. Ўйлаб чиқишингга уч кун муҳлат бераман, унгача кўзимга кўринма.

Алексей отасининг бошига бир фикр келиб қолса, уни Тарас Скотинин¹ айтганидай, омбир билан ҳам суғуриб бўлмасди; аммо Алексей ҳам отасининг худди ўзи эди; унга ҳам гап тушириш қийин эди. У ўз хонасига кирди ва ота-она ҳукмининг чегараси ҳақида, Лизавета Григорьевна тўғрисида, отасининг уни ҳеч нарсасиз қолдирмоқчи бўлгани ва ниҳоят Акулина ҳақида ўйлаб кетди. Биринчи марта Алексей уни қаттиқ севишиб қолганини равшан ҳис этди; ҳаёлига романларда ёзилгандаи қишлоқи қизга уйланиш ва ўз меҳнати соясида кун кўриш фикри келди; бу қатъий қарор унинг ўзига ҳам тобора маъқулроқ кўрина бошлади. Ёғингарчилик бўлгани' учун бир қанча

¹ Тарас Скотинин — Фонвизин комедияси «Недоросль»да қатиашувчилардан бири; нодон ва дагал бир тип.

вақтдан бери чекалакзордаги учрашувлар тұхтаган әді. У Акулинага ҳарфларини равшан қилиб, оташин ифодалар билан бир мактуб ёзди ва иккөншінде хавф солаётган жудоликни билдириди ҳам шу хатда унинг үзиге тегишини сүради. Шу замон хатни почтага, дараҳт кавагига ташлаб келди ва қылған ишидан мамнун бўлған ҳолда ухламоқ учун ётди.

Ўз фикрида қаттиқ туриб олган Алексей, эртасига эрталаб, очиқ сўзлашиб келиш учун Муромскийнинг уйи томон кетди. У Муромскийнинг олижаноблигига суюниб, уни ўз томонига оғдиromoқ умидида әди. Отини Прилучино саройи ёнида тұхтатиб: «Григорий Иванович уйдами?»— деб сүради. «Йўқ,— деди хизматкор,— Григорий Иванович эрталаб кетгандилар...» . «Афсус!»—деб ўйлади Алексей. «Ҳеч бўлмаса Лизавета Григорьевна уйда эмасми?»— деди яна. «Уйдалар!» Алексей отдая сакраб тушди. Тизгинини хизматкорнинг қўлига тутқазди-да, рухсат олмасданоқ ичкари кириб кетди.

Меҳмонхонага яқинлашаркан: «Ҳаммаси ҳал бўлади,— деб ўйлади йигит,— унинг ўзи билан сўзлашаман». У ичкари кирди ба... қотиб қолди! Лиза... Йўқ! Акулина, севимли, қорачадаң келган Акулина, сарафанда эмас, эрталаб киядиган оқ кўйлакда, дераза ёнида ўтирап ва унинг хатини ўқир әди. Лиза мактуб билан шу қадар машғул бўлиб кетгандики, унинг кириб келганини ҳам сезмай қолди. Алексей севинчдан бақириб юборди. Лиза сесканиб бошини кўтарди ва кичириб қочиб кетмоқчи бўлди. Алексей уни ушлаб қолишига югурди, «Акулина, Акулина!..» Лиза унинг қўлидан чиқишига уринар ва юзини ўгириб: «Mais laissez-moi donc, monsieur; mais êtes vous fou?»,¹— деган сўзларни тақрорлар әди; «Акулина, жоним, Акулина!»— деярди яна Алексей, унинг қўлларини ўлиб. Бу воқеанинг гувоҳи бўлған Жаксон хоним нима ўйлашини ҳам билмасди. Шу пайт эшик очилди ҳам Григорий Иванович Муромский кириб келди ва:

— Эҳа, сизларнинг ишларингиз чамаси, жуда пишиб қолганга ўхшайди-ку...— деди.

Ҳикоянинг хуолосасини ёзib ўтиришдай ортиқча мажбуриятдан китобхонларим мени ҳалос этарлар, деб ўйлайман.

1830 йил

И. П. БЕЛКИН
КИССАЛАРИ ТУГАДИ

¹ Қўйворинг мени, афандим; ақлингизни йўқотдингизми?